Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 193 (20. 460) • 1989 йил 22 август, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ «ИЖОРСКИЙ ЗАВОД» БИРЛАШМАСИ ИШЧИЛАРИ БИЛАН СУҲБАТИ

М. С. Горбачев 1989 йил 11 июлда Ленинградга қилган сафари вақтида «Ижорский завод» бирлашмасида бўлди, бу ерда бирлашма меҳнаткашлари билан бир неча учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

«Известия ЦК КПСС» журналининг янги босилиб чиққан саккизинчи сонида суҳбат тексти эълон қилинди.

Горбачев. Мен Ленинградга қилган ҳозирги сафаримдан олган таассуротларимни аввалги сафарларим таассуротлари билан таққослаяпман. Назаримда, ҳозир мен қандайдир бошқа одамлар билан учрашаётгандекман: гарчи ўша ленинградликлар бўлсалар-да, энди улар бошқача бўлиб қолгандек. Шу қисқа вақт мобайнида бизҳаммамиз — ижораликларгина ва ленинградликларгина эмас, бутун мамлакат ҳам — ўзгаришларнинг катта йўлини босиб ўтдик. Биз не-не азоблар билан ўз қайта қуришимизга етиб келдик, энди эса, эҳтимол, ҳаммамизни бир нарса: қайта қуриш иши давом этиши, давом этганда ҳам қатъиятлироқ давом этиб, сезиларли натижалар бериши учун нима қилиш керак? — деган савол қизиқтирмоқда ва ташвишлантирмоқда. Ленинградликлар билан бўлган қисқа, аммо, айта оламанки, жуда ошкора, мазмундор суҳбатларда айни шу хусусда гап борди.

Одамларнинг: биз қайси маррада турибмиз, мамлакатимизда нималар бўляпти? Қайта қуриш иши давом этмоғи учун биз яна қандай янги қадамларни қўйишимиз керак, деган саволлар теварагидаги безовталиги ва бу ларни англаш иштиёқини тушуниб олдим. Шу ҳақда бир оғиз гапирмоқчиман.

Қайта қуриш бизга нима учун керак? — деган саволга содда жавоб қайтариш мумкин. Биз оддий нарсаларга эришмоқчимиз: мамлакатдаги одамлар яхшироқ яшасин, ўзларини дадил, эркин ҳис қилсин, мамлакатда рўй бераётган ҳамма жараёнларга қўшила олсин, улар ўзларини шу мамлакатнинг хўжайини, деб билсин, дейміз. Бир қарашда оддий гапдек туюлса ҳам, аммо уни амалга ошириш жуда мураккаб иш бўлиб чиқди. Шу боисдан иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни ўтказиш зарурати туғилди.

Иқтисодий ислоҳотдаги энг муҳим нарса ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳар ҳолда — экономикамизни бошқаришнинг маъмуриятчиликбуйруқбозлик системасини барҳам топтириш — мана шу энг муҳим ишдир, бу системанинг умри тугади. Шу қадар мураккаб, катта экономикада, халқ хўжалигимизга хос бўлган шу қадар хилма-хиллик шароитида марказдан туриб ҳамма ишни ҳал этиб ва ҳамма буйруқларни бериб бўлмайди. Шу сабабли биз ўз экономикамизни ислоҳ қилишимиз, тубдан ислоҳ қилишимиз керак, бу ўринда ҳеч қандай жузъий қарорлар энди бизга ёрдам бермайди, ўртоқлар.

Бироқ тубдан ислоҳ қилиш нимани билдиради? Инсонни янгича тарзда, янгича мавқеда ишлаб чиқаришга қайтариш керак. Инсонни хўжалик юритишнинг ҳал қилувчи кучи сифатида ишлаб чиқаришга қайтариш керак. Бунинг учун эса корхоналарнинг ўзидаги вазиятни кескин ўзгартириш лозим. Шу боисдан ҳам биз ишни корхонадан, корхона тўғрисидаги Қонунни ишлаб чиқишдан бошладик.

Биз илгари ҳам ислоҳотлар бошлаган эдик, бироқ юқоридан бошлар эдик ва оқибат натижада бу ислоҳотлар муваффақиятсизликка учрар, қадрсизланар, заифлашиб қолар ва ҳамма нарса аввалгидек қолаверар эди. 50—60-йилларда ҳам шундай бўлган эди — ўшанда Хрушчевнинг ташаббуси билан экономикани ҳам, партияни ҳам қайтадан ташкил этиш программаларн белгиланган эди. Бу программаларнинг амалга оширилиши дастлабки пайтларда яхши натижалар берди, аммо кейинчалик ҳаммаси илк нуқтага қайтаверади. 1965 йилда Марказий Комитетнинг март ва сентябрь Пленумлари ўтказилганда ҳам шундай бўлди, биз бу Пленумларнинг қарорлари натижасида катта ўзгаришларни орзу қилган эдик. Бошланган ислоҳотларни пировардига етказа олмадик.

Шу сабабли биз қайта қуриш давомида экономикани, сиёсий соҳани, бутун ижтимоий турмушнинг бошқарилишини ислоҳ қилиш зарур деб топган пайтимиз да ўтмишдаги тажрибага мурожаат этдик, шу тажриба ҳақида кўп мулоҳаза қилдик. Агар биз ўтмишдаги фаолиятимизни обдон билиб олмасак, тўғри сиёсатни ишлаб чиқа олмаймиз. Айни шу боисдан биз сиз билан биргаликда ҳозир ўз тарихимизни шу қадар эътибор билан, шу қадар ўз-ўзини танқид руҳида, эҳтимолки, ҳатто ортиқча хиссиётларга берилиб, ҳаддан ортиқ таҳлил қиляпмиз. Чунки биз 80-йилларнинг бошларида етиб келган вазиятнинг илдизлари анча олис йилларга бориб тақалади.

Ўтмишдаги тажрибанинг таҳлили шуни кўрсатдики, ишни меҳнат коллективларидан бошлаш, уларни бутун иқтисодий системамизни қайта қуриш орқали реал турмушга жалб қилиш ва шу тариқа социалистик хўжалик юритиш системаси имкониятларини намоён этиш керак. Шу тариқа давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун юзага келди. Бу Қонун ҳамма камчиликларига қарамай, жуда муҳим, шаҳдам қадам бўлди. Ҳозир мазкур Қонун чинакамига ишламаганлиги ва ишламаётганлиги ҳусусида кўпгина танқидий мулоҳазалар эшитилмоқда. Ҳа, шундай. Бироқ ишни бошлаш муҳим эди.

Борган сари хўжалик кадрларимизнинг, мутахассисларимизнинг тафаккури ўзгара бошлади, ишчилар синфининг ўзида ҳам, меҳнаткашларнинг коллективларида ҳам аввалги тасаввурлар қайтадан кўриб чиқила бошлади. Биринчи марта сизлар ўзингизга юксак талабчанлик позицияларидан қарай бошладингиз, илгари биз қандай ишлаганлигимиз ва келгусида қандай ишлашимиз кераклиги ҳақида гапира бошладингиз.

Яна бир жуда муҳим нарса. Биз бошқарув системасини ўзгартириш йўлидан бордик. Бу соҳада ҳам биз ҳозирча корхона тўғрисидаги Қонунда белгиланганидан орқада қоляпмиз: Қонун меҳнат коллективига янги ҳуқуқлар беради, унга ташаббус кўрсатиш имкониятини яратади, бироқ ҳали планлаштириш нуқтаи назаридан ҳам, бошқарувнинг бевосита ходимлари ҳаракат қилиши нуқтаи назаридан ҳам эски буйруқ бериш системасининг кўп усуллари сақланиб қолмоқда. Иш охирига етказилгани йўқ, бу эса мустақилликка, ташаббус кўрсатишга, ишлаб чиқариш коллективларининг ўзида янги йўлларни, ёндашувларни танлашга халақит бермоқда. Энг катта иллат мана шунда, деб ўйлайман.

Гап шундаки, корхоналарнинг марказий бошқарув органлари билан ўзаро муносабат усулларини ўзгартириш керак, корхоналарга тегишли тарзда таъсир ўтказиш, яхши ишни рағбатлантириш, ташаббусга далда бериш учун янги иқтисодий усуллар, янги иқтисодий воситалар керак. Биз мана шуларнинг ҳаммасини — нормативларни ҳам, иқтисодий таъсир ўтказишнинг турли усулларини, шу жумладан кредитни ҳам, умуман молия-кредит системасига таллуқли ҳамма нарсаларни ишлаб чиқишга мажбурмиз. Ҳали биз солиқ системаси қандай бўлиши керак-лигини белгилаб олганимиз йўқ, бу соҳада тажрибамиз йўқ. Ҳолбуки, иқтисодий усуллар мана шуларнинг ҳаммасини яхши билишимизни ва мана шуларнинг ҳаммасини яхши эгаллаб олишимизни тақозо этади. Келгусида биз мана шу ишларнинг ҳаммасини қилишимиз керак.

Мана, энди, шундай бўлиб чиқдики, биз эски системадан воз кечдик, янги системанинг эса кўп жиҳатларини ҳали пухта ўйлаган эмасмиз, пировардигача ҳал қилган эмасмиз. Натижада кўпгина корхоналардаги вазият жуда нотинч бўлиб турибди. Одамлар ҳозирча ўз орзуларимизга ета олмаяпмиз, турли-туман йўл-йўриқлар, маъмуриятчилик-буйруқбозлик усуллари сақланиб қолаётганлиги Қонуннинг қоидаларини қадрсизлантириб қўймоқда, деб ҳисобламоқдалар. Мана шундай нуқсонлар бор — бу гапнинг ҳаммаси тўғри. Ҳозирги ўтиш босқичининг аҳволи, унинг бутун мураккаблиги мана шундан иборат.

Башарти, иқтисодий турмушни ташкил этишнинг янги шаклларига ўтилмаса, аграр секторда ҳам, саноатда ҳам иқтисодий муносабатлар қайта қурилмаса, коллективларнинг манфаатдорлигини ошириб бўлмаслигини кўриб турибмиз. Биз хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзи пул билан таъминлашга, пудратга, ижарага, кооперативларга йўл очяпмиз. Бироқ кўп нарса аввало нарх белгилаш каби масалаларнинг ҳал этилмаганлигига бориб тақалмоқда. Иқтисодий усулларга, хўжалик ҳисобига ўтиш учун, корхона ҳақиқий ишлаб топилган маблағ ҳисобига яшайдиган бўлиши учун нарх белгиланишини ҳам тартибга солмоқ керак. Бутун нарх-наво механизмида иқтисодий асосланган нархлар керак. Бу масала ҳали ҳал этилгани йўқ. Ҳозирча биз бу масаланинг ҳал этилишини энг яхши шарт-шароитлар вужудга келтириладиган вақтгача кечиктирдик, бироқ нарх белгилаш механизмини ислоҳ қилмай туриб, иқтисодий ислоҳотни тўла ҳажмда амалга ошириб бўлмаслигини равшан англаб турибмиз.

Хуллас, ҳозир биз эҳтимолки, мамлакат турмушидаги энг мураккаб ва муҳим босқични бошдан кечираяпмиз. Шу вазиятда ўзимизни йўқотиб қўймаслигимиз керак. Бунинг устига, турмуш бизга турли-туман тақчилликлар, савдодаги кескинлик ва узилишлар тарзидаги кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозирги аҳвол мана шундай, одамлар ҳам бу масалаларни ҳақли равишда кўтариб чиқмоқдалар.

Биз бу муаммоларни ҳал қиламиз. Аммо бунинг учун молиявий аҳволни ва бозордаги ҳолатни соғломлаштиришимиз лозим. Бунинг бир неча йўли бор. Шу йўлларнинг энг муҳими — халқ истеъмоли молларини кўпайтиришдир. Пул миқдори билан молни мувозанатга келтирадиган чораларни зудлик билан кўрмоқ керак. Шу сабабли ҳозир жуда қаттиқ иқтисодий тежашни йўлга қўйишимиз керак, азиз ўртоқлар, аҳвол мана бундай (сизлар буни билиб қўйишингиз керак): халқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги йилига 3—5 процент ошмоқда, иш ҳақи эса 6—10 процент кўпаймоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

Москва осмонида парад

СССР Ҳаво флоти кунида авиация байрами

Бундай байрамни Москва 1967 йилнинг июлидан буён кўрмаган эди. 20 август куни пойтахтдаги Тушино аэродроми узра ўтказилган ҳаво паради Ватанимиз авиасаноати эришган ютуқларнинг, енговчи учувчилар, ҳарбий учувчилар, Аэрофлот экипажлари ҳамда ДОСААФ спортчи авиаторлари юксак маҳоратининг ёрқин намойишига айланди. Дарвоқе, иккинчи тарихий «майдон» — собиқ Ходинск учиш майдонида, эндиликда эса Москванинг Ленинград проспекти яқинидаги М. В. Фрунзе номли Марказий аэродромда ҳам байрам ўтказилмоқда. Бу ерда кеча ҳарбий ва граждан авиация техникасининг катта кўргазмаси очилди. Бу ерда ҳар бир киши ўтган урушнинг машҳур ЯК-3 қирувчи самолётидан тортиб тикка учиб, қўна оладиган замонавий ЯК-38 самолётигача бўлган «ЯК»ларнинг жами туркумини кўриши мумкин. СССР Авиация саноати министрлигининг етакчи тажриба-конструкторлик бюролари яратган техника намуналари ҳам: А. И. Микоян номидаги тажриба-конструкторлик бюросида яратилган 21 дан 29 гача туркумдаги МИГлар; П. О. Сухой номидаги тажриба-конструкторлик бюросида яратилган СУ-2 дан СУ-27 гача туркумдаги самолётлар; В. Л. Миль номидаги тажриба-конструкторлик бюросида яратилган МИ-1 дан МИ-34 гача ва Н. И. Камов номидаги тажриба-конструкторлик бюросида яратилган К-25 дан К-126 гача туркумдаги вертолётлар; О. К. Антонов номидаги тажриба-конструкторлик бюросида яратилган самолётлар ва дельтапланлар кенг намойиш этилди...

Уларнинг баъзилари ҳамда бошқа машиналар ҳаво парадида ўз имкониятларини Тушинодаги В. П. Чкалов номли Марказий аэроклуб майдони узра қойилмақом қилиб намойиш этди.

Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов ўртоқлар марказий минбарга чиқишади.

Меҳмонлар орасида Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвихан бор эди.

Байрамда СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосарлари И. С. Белоусов, Н. П. Лаверов, П. И. Мостовой, И. С. Силаев, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Аэродром узра мамлакат аэроклубларининг спортчилари бошқараётган енгил моторли ЯК-52, В-35 самолётлари, МИ-2 вертолётлари группаси учиб ўтади. Машиналар осмонда «СССР» ёзувини ҳосил қилди, «КПСС» ва «Перестройка» транспарантларини (бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги рамзи сифатида), шунингдек СССР, Совет Армияси, Ҳарбий Ҳаво Кучлари, Ҳарбий-Денгиз ва Флоти ва СССР ДОСААФи байроқларини олиб ўтди. Бу дебочани Москвадаги 3-аэроклуб спортчиларидан иборат парашютчилар иттифоқдош республикаларнинг байроқлари билан сакрашни якунлади.

Уфқда ғоят улкан самолёт шакли кўринди ва у тез катталаша борди. Унинг шакли одатдагидан мутлақо бошқача; машина ғўё оғир юк остида эгилиб кетгандек. Бу — В. М. Мяишчев конструкциясига мансуб стратегик бомбардимончи самолёт негизида яратилган ВМ-Т янги ҳаво транспорти бўлиб, у «Энергия» — «Бўрон» универсал ракета-космик системасининг катта-катта конструкцияларини заводдан Бойқўнғирга ташиш учун зарурдир.

Диққат: осмонда яна бир янги техника. Кемалар учун мўлжалланган К-27 вертолёти майдон маркази узра деярли тикка кўтарилиб, жойида айланади ва тўғрига учади, аммо у... қуйруқ томони билан олдинга қараб учаётган эди.

МИГ-25 йўлтўсар қирувчи самолёти «бочка»симон айланиб, аэродром узра жуда қаттиқ шовқин билан учиб ўтди. Бир вақтлар ана шу самолётда Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Федотов тез кўтарилиш бўйича бир қанча рекордлар ўрнатган, 1977 йилда эса 37,650 метр баландликка кўтарилиб, мутлақ рекорд қўйган эди. Ҳозир мана шу тезучар машинада 1-класс синовчи учувчиси В. Гордеев учиш машқини аниқ-пухта бажармоқда.

«СУ» туркумига мансуб, кўпчиликка «Грач» номи билан маълум бўлган машҳур штурмчи самолёт — парвозда. Ниҳоятда яшовчан бўлган СУ-25 самолёти алангали афғон осмонида жанговар синовга жуда яхши бардош берди.

Мана, ҳаво байрами программасининг энг муҳим воқеаси: энг янги ТУ-160 ракета элтувчи стратегик бомбардимончи самолёт Тушино осмонини яшиндек кесиб ўтди. Бу самолёт Американинг В-1В самолётига қарама-қарши бош конструктор В. Бриснюк раҳбарлигида яратилган.

Ҳаво парадининг ҳарбий қисми МИГ-29 самолётларининг бир группасида олий учиш маҳоратини намойиш этиш билан ниҳоясига етди.

Ҳаво парадидан репортажни ТАСС мухбирлари В. БЕЗБРЕЖНИЙ, В. КАЗЬМИН олиб бордилар.

КПСС платформаси лойиҳаси: дастлабки таассуротлар

ФАОЛЛИК

Партиянинг ҳозирги шороитдаги миллий сиёсати лойиҳаси билан бир мен эмас, корхонадошларимнинг кўпчилиги ҳам танишиб чиқишди. Лойиҳадаги: «Ўз тақдирини ўзи белгилаш ва суверенитетнинг иқтисодий мазмуни ҳозирги шароитда республикаларнинг хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишида ўз ифодасини топмоқда» деган сўзлар қалбимизга жуда яқин.

Гап шундаки, корхонамиз хўжалик ҳисоби усулида ишлашга ўтиб кам бўлаётгани йўқ. Давлат корхонаси ҳам, ҳар бир ишчи ҳам янги тартибда ишлаш усулидан барака топяпти. Шу йилнинг 7 ойи вазифалари зиёда адо этилди. Меҳнат унумдорлиги мўлжалдагидан 3,6 фоиз юқори бўлди.

Лекин хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган коллективлар эҳтиёжлари ҳамон тўла қондирилаётгани йўқ. Бу ўринда шериклик қилувчи корхона ва ташкилотлар билан алоқалардаги камчиликлар талай қийинчиликлар туғдирмоқда. Айниқса, хом ашё етказиб бериш муддатлари юзасидан шартномалар бот-бот бузилиб турибди.

Шунинг учун, бизнингча, КПСС платформаси «Совет федерациясини қандай қилиб қайта қуриш ва унга тўла куч бағишлаш мумкин?» боби 2-моддаси охирига қуйидаги фикрни қўйиш керак:

Иттифоқдош республикалар корхона-бирлашмаларнинг бир-бирига хом ашё, машина-ускуналар етказиб бериш юзасидан имзоланган шартномалари қатъий тартибда бажариб борилиши тегишли органлар томонидан мунтазам назорат қилиб борилади, шартнома шартлари бузилган тақдирда моддий ва бошқа жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Лойиҳага бу фикр қўшилмаса, хўжалик ҳисоби усули кенг ёйилиши, тегишли натижалар бериши йўлида қўшимча қийинчиликлар туғилиши ҳавфи бор. КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатлар масалаларига бағишлаб ўтказиладиган Пленум иқтисодий сиёсатдаги ушбу вазиятга тегишли баҳо беради, деб умид қиламиз.

Х. ТУЙЧИЕВ,
Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Октябрь инқилоби вужудга келтирган қудратли федерал давлатимиз юздан ортиқ миллат ва элатнинг тақдирини, порлоқ истиқболини ва ҳар томонлама бекаму кўст равнақ йўлини аниқ кўрсатиб берган эди. Бироқ инқилоб сардори ва ташкилотчиси Владимир Ильич вафотидан сўнг нафақат ленинча партиявий иш услубидан, балки миллий сиёсат борасида ҳам оғишларга йўл қўйилди. Натижада мамлакатимизда миллий ва миллатлараро муносабатлар гоҳо кескин тус олди. Булар социализм табиатига, муштарак ғоялар билан яшаётган халқлар дунёқарашига, ленинча миллий муносабатларнинг принципларига зиддир.

КПСС ана шу муаммоларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, халқимизга дастурламал бўладиган йўналишни белгилаб берди. Партия платформаси лойиҳасида миллий масалада йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар, турли республикаларни бирлаштириб ягона қудратли давлатга жипслаштирган федерациямиз тақдири ва истиқболи йўлидаги барча ғоялар ва мураккабликлар чуқур тадқиқ этилган. КПСС Марказий Комитетининг миллий ва миллатлараро муносабатларга бағишланадиган навбатдаги Пленуми эса ана шу муҳим масалани ленинчасига муҳокама этади ва энг мақбул хулосага келади, деб ўйлайман.

Улуғбек ИСОМОВ,
Бухоро районидаги Энгельс номли колхоз комсомол комитетининг секретари.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР:

● Куни кеча Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадалари республикамиз далаларидаги ўз ишини якунлади. Энди меҳмонлар берган дўстона маслаҳатлар асосида дала ишларини намунали уюштирайлик!

● Ғўзаси ривожланишдан орқада қолаётган майдонларда август ойи давомида парваришни янада кучайтириб, кенг пайкалларда мўл ҳосил етиштирилишини таъминлайлик!

● Барча терим техникасини тўла ремонтдан чиқариб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўяйлик! Қуритиш, тозалаш цехлари, йўллар, кўприклар, усти ёпиқ майдонлар мавсумга тўла шай бўлсин!

ҲОСИЛ ЧЎҒИ ЗЎР

Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз меҳнаткашлари айни кунларда асаднинг ҳар бир кунидан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилаётирлар. Улар шу мақсадда ғўзаларни меҳр билан парваришламоқдалар. Вақтида суғориб, вақтида сифатли культивация қилиш туфайли ниҳоллар кундан-кунга яшнаб, киши кўзини қувонтирмоқда. Шу туфайли кўсаклару, ҳосил тугунчалари кўпайиб бораётир. Айни пайтда хўжалик мирзачилари ғўза баргини чилпиш ишларини тугаллаш арафасида туришибди. Ғўза қатор оралари бегона ўтлардан тозаланиб, машина теримибоп қилиб ўстирилмоқда.

Бугунги кунда азаматлар терим мавсумига ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. Шу мақсадда мавжуд терим техникалари, кўрак терим агрегатлари сифатли ремонтдан чиқарилаётир. Хирмонжойлар саранжомланиб, шайланмоқда.

Хўжаликда ўтказилаётган социалистик мусобақада Сотволди Каримбоев етакчилик қилаётган бригада пешқадамлик қилмоқда.

Коллектив аъзоларининг ғайрат-шижоати туфайли 60 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилмоқда. Пахтакорларнинг нияти — бу йил ҳар гектар ердан пландаги 30 центнер ўрнига 32 центнердан хом ашё йиғиштириб олиш. Бригада деҳқонлари ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида она-Ватани ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ хом ашё билан мамнун этишмоқчи. Далаларда ҳосил чўғи зўр.

СУРАТЛАРДА: моҳир механизатор Умрзоқ Қўзибоев ҳамда ғўзаларга ишлов бериш пайти.

А. ЗУФАРОВ суратлари.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ МУВАҚҚАТ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида» 1989 йил 4 августда қабул қилган қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССРда жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитети қуйидаги составда тузилсин:

МУВАҚҚАТ КОМИТЕТНИНГ РАИСИ:

Иброҳимов Мирзаолим Иброҳимович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, СССР халқ депутати.

МУВАҚҚАТ КОМИТЕТ АЪЗОЛАРИ:

Акбаров Йўлдош Тожиевич — Тошкент шаҳридаги 2-автокомбинат ҳайдовчиси, СССР халқ депутати

Олимжонов Баҳодир Ғуломович — Ўзбекистон ССР адлия министри

Алимова Ҳалимахон — Ўзсовпроф раиси, СССР халқ депутати

Великанов Владимир Дмитриевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири

Ғуломов Расул Ғуломович— Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси, Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси, СССР халқ депутати

Егоров Виктор Яковлевич — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адлия бўлимининг мудири

Камолов Вячеслав Мухторович — Ўзбекистон ССР ички ишлар министри

Логачев Анатолий Александрович — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрослесари, Тошкент шаҳри

Маликов Муҳаммадбобир Мажидович — Ўзбекистон СССР Олий судининг раиси

Моргасов Анатолий Сергеевич — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси.

Муҳаммадюсуф Муҳаммадсодиқ— муфти, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси ҳайъатининг раиси, СССР халқ депутати

Носиров Азиз Носирович — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ницель Наталья Владимировна — Тошкент область Ангрен «Резинотехника» заводининг ишчиси

Першин Андрей Леонидович — Қўнғирот район ремонт-эксплуатация ишлаб чиқариш бирлашмаси экскаватор машинисти, СССР халқ депутати

Сатин Борис Федорович — Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси, СССР халқ депутати

Сафаров Рубен Акопович — «Правда Востока» республика газетасининг муҳаррири

Тошев Сандрахмон Абдурахмонович — Тошкент область Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг механизатори

Усатов Дмитрий Александрович — Ўзбекистон ССР прокурори

Хачатуров Роберт Альбертович — Ўзбекистон ССР бош давлат арбитри

Чиргадзе Игорь Владимирович — Ўзбекистон ССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари

Шарипов Тоҳир Яҳёевич — Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитетининг раиси

Ёқубов Одил — Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ депутати

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 17 август.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ «ИЖОРСКИЙ ЗАВОД» БИРЛАШМАСИ ИШЧИЛАРИ БИЛАН СУҲБАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бу эса бозордаги вазиятнинг баттар кескинлашувига олиб бормоқда. Харид қуввати тобора ошмоқда, уни қондириш имкониятлари эса секинроқ ўсмоқда.

Шу сабабли ҳозир ҳукумат олдига бозордаги вазиятни мувозанатга келтириш учун бу хусусда конкрет программаларни тақдим этиш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилди. Шундай қилиш ҳаётий заруратдир.

Ҳамма нарса қаёққа йўқолиб кетди? Нега ҳамма нарса камайиб қолди, деб айтишингиз мумкин. Сизларга шуни айтиб қўяй: озиқ-овқат ва саноат моллари-нинг бир неча туридан ташқари шу йиллар ичида ҳамма маҳсулот кўпайди, кўпайганда ҳам анчагина ошди ва кўпайиб бормоқда. Аммо маҳсулотларнинг кўпайиши харид қувватидан орқада қолмоқда, ҳамма бало мана шунда.

Биз яна буйруқбозлик системасига қайтиш масаласини ўртага қўя оламизми? Эҳтимол, яна ҳамма нарсани бўғиб қўйиш, ислоҳотга алоқадор жараёнларни тўхататиш керакдир? Йўқ, ўйлайманки, биз ислоҳотга тузатишлар киритишимиз, аммо уни зўр ғайрат билан давом эттиришимиз лозим.

Ҳозир экономика биз учун энг муҳим марказий масаладир. Экономикада вужудга келган муаммоларни ҳал этиш бизга бошқа соҳалардаги ишларни дадилроқ олиб бориш имконини беради. Аввало социал муаммоларни муваффақиятлироқ ҳал этишга йўл очади.

Яқин икки йилда биз навбатдаги беш йиллик доирасида мамлакатни озиқ-овқат моллари билан бемалол таъминлаш имконини берадиган даражага эришиш учун асос яратишимиз керак. Шундай имкониятлар бор. Буни, таъбир жоиз бўлса, биринчи галдаги вазифа деможо керак. Бу соҳада биз хўжалик юритиш учун, ижара ва пудрат учун колхоз ҳамда совхозларга катта имкониятлар очиб беряпмиз, шахсий ёрдамчи хўжаликларни, саноат корхоналарининг колхозлар ва совхозлар билан интеграциясини рағбатлантиряпмиз, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш имконини берадиган барча усулларни ривожлантиряпмиз. Бу — биринчиси.

Иккинчиси. Биз қишлоқдаги турмуш шароитларини яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашамиз. Чунки, шундай қилинмаса, қишлоққа ажратиб бериладиган ҳар қандай капитал маблағ, ҳар қандай ресурслар энди ёрдам бермайди. Биз одамларнинг қишлоқда муқим ўрнашиб қолишига кўмаклашишимиз, унинг иш натижаларидан манфаатдорлигини оширишимиз ва шу тарика озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш имкониятини яратишимиз керак. Бунинг учун бутун жамият кўп куч-ғайрат сарфлаши керак бўлади.

Қишлоқ хўжалигининг базасини ва биринчи галда қайта ишлаш саноатини модернизациялаш зарур, албатта. Чунки ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сақлаш ва қайта ишлашдаги камчиликлар туфайли қишлоқ хўжалигидаги исрофгарчиликлар 30 процентгача, баъзи ҳолларда эса ундан ҳам кўпроқ содир бўлмоқда. Бу — бемаънилик. Шу боисдан ҳам биз озиқ-овқат индустриясини ривожлантиришнинг 7 йиллик программасини ишлаб чиқдик, саноатнинг мудофаа тармоқларини шу ишга жалб қилдик ва ҳозир бу программанинг амалга оширилишини назорат қиляпмиз, бунинг учун талабчанликни кучайтиряпмиз. Бизда яқин вақт ичида озиқ-овқат соҳасидаги вазият яхшилана бошлайди, деган фикр тугилди.

Маҳсулотларни чет эллардан харид қилиш ҳисобига бозордаги кескинликни қамайтирса бўлмайдими, деган масала қўйилди, халқ депутатлари съездида ҳам шу масала кўтарилди. Бу хусусда шуни айтиш керакки, биринчидан биз ҳозирнинг ўзидаёқ озиқ-овқатнинг бир қисмини валютага харид қиляпмиз. Иккинчидан валютанинг бир қисмини халқ истеъмоли моллари ресурсларини тўлдиришга сарфлаяпмиз. Аммо баъзи иқтисодчилар кўпроқ қарз олиш ва шу қарз эвазига мол харид қилиш керак, деб масалани бошқача тарзда қўймоқдалар. Бозордаги кескинликни камайтиришга кўмаклашадиган вақтинчалик чора сифатида бу тактиф — мақбул, аммо келажак йўли сифатида маъқул эмас, албатта. Бизнинг келажак йўлимиз озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ўз базамизни вужудга келтиришни назарда тутиши керак. Шу сабабли ҳозир ҳар бир меҳнат коллективи қандай вазифани ҳал этаётган бўлмасин, у мамлакатнинг товар ресурсларини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Аслида бу иш — ҳаммамизнинг вазифамиз, умумхалқ вазифасидир. Сиз, ижорликларга ҳам мен шундан илтимос билан мурожаат этяпман.

Назаримда, ижорликларни ҳам ташвишга солаётган уй-жой масаласи ҳозир ана шундай тарзда турибди. Биз узоқ давом этган турғунликдан кейин уй-жой қурилиши суръатларини икки ҳисса оширдик. Аммо бундан ҳам кўнглимиз тўлмаяпти. Шу сабабли ўн учинчи беш йилликда уй-жой қурилишининг бундан ҳам юқорироқ суръатлари белгиланса, шу тариқа биз партия XXVII съездида ўртага қўйган тарзда уй-жой муаммосини ҳал этиш реал бўлиб қолади, иш уйлар қуришдангина иборат бўлмай, санитария техникасини ҳам, мебелни ҳам кўпайтиришдан, турар-жойнинг ҳақиқий яшаш маконига айланиши учун зарур бўлган ҳамма ишлардан ҳам иборатдир. Бу — катта комплекс муаммодир. Биз ишлаб чиқариш объектлари қурилишидан кўпроқ маблағни бу соҳага буриб юборишимиз мумкин ва лозим, деб ҳисоблаймиз. Уй-жой муаммоси мамлакатнинг ҳамма регионларига, жумладан Ленинградга ҳам тааллуқлидир, бу ерда мазкур муаммо ўткир бўлиб турибди, бу ердаги кўпгина кишилар ҳамон коммунал уйларда, ётоқхоналарда ва шу каби жойларда яшаб келмоқдалар.

Сизларнинг бирлашмангизда ҳам бу муаммо ҳал қилиниши керак. Ҳозирча ижорликлар сусткашлик қилмоқдалар. Директорингизнинг айтишича, сизлар ҳар йили 200—250 та квартира қўряпсизлар, бу — кам. Корхонангизда кўп минг кишилик коллектив ишлаб турибди. Бинобарин, уй-жой қурилишида бошқа суръатлар керак — Ленинград қурилиш ташкилотларининг иштироки билан ҳам, хўжалик усулидаги қурилиш ҳисобига ҳам уй-жой қурилишининг суръатларини ошириш лозим, ҳозир ҳамма жойда шундай қилинмоқда. Ҳозирги вақтда фақат қурилиш ташкилотларига умид боғлаб бўлмайди. Ўз имкониятларингизни ҳам ишга солишингиз керак. «Ижорский завод»дек қудратли бирлашма бу масалаларни бошқача ҳал қилмоғи керак. Бу ишни пайсалга солмай қилиш лозим. Маблағингиз бор, модомики шундай экан, корхонангизда реконструкция масалалари ҳам ўткир бўлиб туришига қарамай, уй-жойга асосий эътиборни қаратиш керак. Уй-жой — алоҳида муаммодир.

Умуман, мулоҳазаларимнинг шу қисмини сизларга қуйидагича мурожаат билан тугалламоқчиман. Ўртоқлар, иқтисодий ислоҳот йўлидан, биз бошлаган йўлдан қатъият билан олға бориш керак. Кимнингдир амри билан осмондан чалпак ёғишига умид қилиб бўлмайди. Ҳеч қандай заҳира омборларимиз, ҳеч қандай запасларимиз йўқ. Аксинча, улардаги ҳамма нарса тақсимлаб бўпинган. Шу сабабли асосий йўлдан оғмаслик — қайта қуриш йўлидан сергаклик ва қатъият билан, қадам-бақадам олға бориш, экономиканинг янги шаклларини, бошқаришнинг янги усулларини, хўжалик юритишнинг янада оқилона ва самарали янги шаклларини ўзлаштира бориш лозим. Бундан бошқа илож йўқ.

Нега энди биз ҳам иқтисодий ислоҳотга, ҳам сиёсий ислоҳотга бирданига киришдик, демоқдалар. Боя мен экономикадаги аввалги ислоҳотларнинг камчиликлари ҳақида гапирган эдим. Ўша ислоҳотларнинг заифлиги шундан иборат эдики, улар кабинетда тўқиб чиқарилган эди, бошқарувчилар ва раҳбар кадрлар даражасида амалга оширилган эди. Халқ бу ислоҳотларни қабул этмади, у мазкур ислоҳотларда қатнашмади, шунинг учун ҳам улар барбод бўлди. Энг муҳими эса — халқ бу муаммоларга қўшилмаганлиги сабабли у мазкур ислоҳотларнинг ҳимоячиси ҳам бўлиб қолмади. Хўш, қайта қуришга одамларни қандай қилиб жалб қилиш мумкин? Фақат уларнинг манфаатлари орқали, ошкоралик орқали жалб қилиш мумкин. Одамлар ўз мамлакатида нималар бўлаётганини билишлари керак. Одамлар ўз шаҳарлари ва районларида нималар бўлаётганини билишлари керак. Улар қарорлар қабул қилинганидан ҳабардор бўлибгина қолмай, ўз вакиллари орқали шу қарорларнинг қабул этилишида қатнашишлари, шу тариқа ўтказилаётган ўзгаришларга ҳамда сиёсатнинг реаллигига кафолот ҳам беришлари лозим. Бунинг учун эса жамиятимиз ҳаёт фаолиятининг ҳамма шаклларига янгича назар билан қараш керак. Советлар қандай ишламоқда? Партиянинг роли қандай? Меҳнат коллективларининг роли қандай? Касаба союзларининг, комсомолнинг, бошқа жамоат ташкилотларининг ва энг муҳими — ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир кишининг роли нимадан иборат?

Сиёсий ислоҳот зарурлигининг боиси мана шундан иборат. Шундай ислоҳотсиз биз қайта қуриш сиёсатини юриштира олмаймиз. Инсон, ўз кишимиз — қайта қуришнинг ҳаракатлантирувчи асосий кучидир. Башарти, биз демократиялаш орқали, сиёсий ислоҳот орқали жамият ва давлатнинг ҳамма ишларига одамларни амалий равишда жалб қилсак, қайта қуриш муваффақиятли бўлади. Фақат шундай қилиш керак. Фақат шундагина қайта қуриш муқаррар тус олади ва бу жараённи ҳеч ким тўхтата олмайди. Демократия ва ошкоралик доирасидагина шу нарса таъминланади.

Ошкоралик ва демократиянинг мезонлари нималардан иборат? Социалистик қадриятларимиз — ижтимоий тузумимиз, турли шаклларда амалга оширилаётган ижтимоий мулкчилигимиз, одам одамни эксплуатация қилмаслиги, социал жиҳатдан ҳимояланганлик — мана шундай мезонлардир. Буларнинг ҳаммаси бизнинг қадриятларимиз бўлиб, демократия ва ошкоралик шу қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

Баъзан ошкоралик ва демократиядан социализм манфаатлари йўлида эмас, халқ манфаатлари йўлида эмас, мутлақо бошқа мақсадларда фойдаланмоқдалар, деб айтишингиз мумкин. Шундай бўлаяпти ҳам! Хўш, бундан қандай хулоса чиқариш керак? Демократия жараёнларини тўхтатиб қўйиш керакми? Аксинча. Бизга ёт қадриятларни тиқиштираётганларни, ёт, байроқлар ва шиорларни тиқиштираётганларни ошкоралик ва демократия доирасида ўз ўрнига қўймоқ керак. Ошкоралик ва демократиядан воз кечиш ҳардамхаёллик ва камтарларга ишончсизлик нишонаси бўлур эди. Агар биз демократияни йўналтириш йўлига ўтиб олиш тўғрисидаги даъватларга учадиган бўлсак, мен вазиятни худди мана шундай баҳолаган бўлур эдим.

Биз бу соҳада ҳам ўзимиз бошлаган ишни давом эттиришимиз керак. Сиёсий ислоҳотни янада юқорироқ поғонага, унинг янги, иккинчи босқичига — ҳокимиятни Советларга амалий равишда топшириш босқичига кўтариш лозим. Бу эса ҳозир жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун биз янги сайлов қонуни устида ҳам ишлашимиз лозим. Ҳар бир республика ўзи учун янги сайлов қонунини ишлаб чиқиши назарда тутилади.

Биз ишчи коллективларининг депутатликка номзодлар кўрсатиш хусусида айтаётган фикрларини синчиклаб кўриб чиқишимиз керак. Биз ўтказилган сайлов кампаниясидан сабоқ чиқариб олишимиз лозим, ўшанда ишлаб чиқариш коллективларимиз бир қанча ҳолларда демократик жараёнлардан четлаштириб қўйилган эди.

Сизлар ҳамма нарсани тушуниб олдингиз ва мана шундай беҳуда камтарликдан фориғ бўлиб, ўтган кампанияда тажриба ортгирдингиз, деб ўйлайман. Бироқ, чамаси, ишчилар коллективларининг фикри амалда рўёбга чиқарилиши — энг муҳимидир. Олий Совет иши доирасида ишчилар синфининг, меҳнат коллективларининг кўпгина вакиллари билан учрашганда, улар социализмга, ишчилар синфининг ишига содиқ бўлиб қолиб, сиёсатнинг энг катта масалалари ҳақида фикр юрита оладиган доно — ажойиб кишилар эканликларига ишонч ҳосил қиласан, киши.

Шу боисдан ҳам мен бўлиб ўтган сайлов якунлари хусусида айтилган ташвишли гапларга қўшиламан. Мамлакатда бир хил кишилар бошқарадиган, бошқалар ишлайдиган вазият вужудга келишига йўл қўйиб бўлмайди. Йўқ, бу ҳол социализмга муносиб эмас. Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар маҳаллий Советларга жуда кўп истеъдодли кишиларни кўрсата оладилар. Ишлаб чиқариш коллективлари ишчиларни ҳам, инженерларни ҳам, хўжалик кадрларини ҳам кўрсатадилар, аммо уларнинг овози аввалги сайлов кампаниясида бўлганидан кўра яхшироқ янграши керак.

Бир нарса равшан: биз келгуси сайловгача ҳали кўп нарсаларни ҳал қилишимиз керак. Аввало иккита қонун: республика (регион) хўжалик ҳисоби тўғрисидаги ва маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги қонунлар қабул қилиниши лозим. Советлар реал ҳуқуқлар олишлари жуда муҳим. Бу — жойлардаги ҳокимият органларининг тўла қувват билан ишлашларига имконият яратади. Хуллас, бу соҳада ҳам кўп иш қилиниши керак. Шундай қилиб, сизларни бундан буён ҳам сиёсий ислоҳот, жамиятимизни демократиялаш йўлидан бориши керак, деган фикрга қўшилишга чақираман.

Кейинги йилларда миллатлараро муаммолар кескинлашганлиги ҳаммамизни ташвишлантирмоқда. Бу муаммолар партия Марказий Комитетининг Пленумида муҳокама қилинади. Миллатлараро муаммоларимизни вужудга келтирган ҳамма нарсаларни вайрон қилиш, федерациямизни қадрсизлантириш йўли билан эмас, балки унинг имкониятларини тўла очиб бериш йўли билан ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайман. Бу асосий фикрдир. Биз иттифоқдош республикалар суверенитетини, миллий тузилмалар автономиясини реал мазмун билан бойитишимиз зарур. Биз шундай қилишимиз керакки, токи барча миллат кишилари қаерда яшамасинлар, улар бугунги кунда ҳам, эртанги кунда ҳам ўзларини осойишта ва дадил ҳис этсинлар.

Бу жамиятимизни ва улкан мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқлар манфаатларини уйғунлаштиришга олиб борадиган реал, инсонпарвар йўлдир. Одамларни бошқа йўлга ундаётган кишилар ўт билан ўйнашмоқда. Одамларимизни бўлиб юбориш, бир-бирларидан ажратиш, федерациямизнинг ўзини қайта тузиш — бутунлай масъулиятсиз ҳаракатлардир. Партия Марказий Комитети бу борада янада аниқ-равшан фикр билдиради. Марказий Комитет Пленумида Россия Федерациясини ривожлантириш муаммолари ҳам муҳокама қилинади. Бу борада ҳам муаммолар бор.

Овоз. Менда шундай савол бор...

Горбачев. Мен кетмасимдан савол бериб қолмоқчимисиз? **(Кулги)** Саволга жавоб қайтармай, кетмайман. **(Қарсаклар).**

Бир сўз билан айтганда, ўртоқлар, ҳозир биз қайта қуришнинг бутун сиёсатимиз амалга оширилаётган энг мураккаб, ўтиш босқичида турганлигимизни кўриб турибсиз. Бугунги кунда янгиликлар шунчалик кўпки, бу бошни айлантириб, кишини ҳаяжонга да саросимага солиб қўяди. Мен бу саросималикни мутлақ нормал ҳол деб биламан. Чунки бу одамлар мамлакат тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигининг ифодасидир. Аммо биз ҳаммамиз ғоят масъулиятли бўлишимиз, бир-биримизни тушунишимиз лозим. Биз қанчалик мунозара қилмайлик, ана шу мунозарада қайта қуриш сиёсатининг муваффақияти манфаатларини кўзлаб, жамиятни янгилаш манфаатларини кўзлаб, муштарак манфаатларимизни кўзлаб бирлашишимиз зарур. Мен қисқача, айтиш мумкинки, тезислар асосида баён этиш, қисқача обзор бериш ниятида, сизларга айтмоқчи бўлган гапларим мана шундан иборат. **(Қарсаклар).**

Шундан кейин М. С. Горбачев ишчиларнинг хат ва саволларига жавоб қайтарди.

Савол. Кўпгина ривожланган мамлакатларда корхоналар раҳбарларини профессионал тайёрлаш давлат программалари мавжуд. Бизнинг мамлакатимизда мана шу масала хусусида қандай тадбирлар кўрилади ва кўриляптими?

Горбачев. Бу муҳим савол. Агар бир сўз билан айтадиган бўлсак, қайта қуриш кадрларга, партия кадрларига ва Советлар кадрларига, экономика кадрларига, илм-фан кадрларига таянмоқда. Биз бугунги кунда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий, эҳтиёжларимизга мос келадиган системасини вужудга келтиришимиз ғоят муҳимдир. Кўпгина регионларда шундай таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Аммо сиз давлат программаси ҳақидаги масалани тўғри ўртага қўяяпсиз. Ишда система бўлиши зарур ва бундай система ишлаб чиқилмоқда.

Савол. Олий Советда Бош прокурорни тайинлаш чоғида ўртоқ Сухарева берилган кўпгина саволларга жавоб қайтаришмади. Нима учун ана шу саволларга барча жавоблар аниқланмагунга қадар у шу лавозимга тайинланди? Мазкур лавозим уни ижро этувчи одамга нисбатан алоҳида талаблар қўяди, мунозаранинг бориши ва уни лавозимга тайинлаш тартиби жамоатчиликни ташвишлантирмоқда.

Иккинчи савол: қайта қуришнинг бориши қониқтирадими? Катта-катта вазифалар амалга ошмай қолди. Эскича иш формаларига янги мазмун тиқиштирилаётганлиги бунга сабаб бўлмаётганмикин?

Горбачев. Иккинчи саволга мен юқорида жавоб беришга ҳаракат қилдим.

Биринчи саволга келганда, ўртоқ Сухаревнинг Бош прокурор лавозимига даъвогар сифатидаги фаолияти пухта муҳокама қилинди. Сизлар биласизларки, ўртоқ Сухарев бу ишга яқинда юборилган эди. Мазкур система эса жиддий қайта қуришга ва катта ўзгаришларни амалга оширишга муҳтождир. Ўртоқ Сухаревнинг бундан аввалги фаолиятидан унинг сиёсий ва бошқа фазилатларидан кўриниб турибдики, у ишончга лойиқдир. Кўпчиликнинг фикри шундай бўлди.

Ўртоқлар ўртоқ Сухарев номзоди тўғрисида гапиришганида, афтидан, Ўзбекистонда рўй берган жиноятларини тергов қилишга оид ишлар билан боғлиқ муаммони ҳам назарда тутмоқдалар. Уларнинг ҳаммасини аниқлаш учун комиссия тузилди ва у фаол иш олиб бормоқда. Депутатларнинг, жумладан ҳуқуқшунос депутатларнинг ана шу мустақил комиссияси ўз хулосаларини беради. Агар ана шу хулосалар у ёки бошқа қарорлар қабул қилинишини талаб этса, улар кимга тааллуқли бўлмасин, ўртоқлар, албатта қабул қилинади. Бунга сиз мутлақо амин бўлишингиз керак.

Биз ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш учун қатъиян кураш олиб боришимиз, уюшган жиноятчиликка, жамиятда вужудга келган вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётган кишиларга қатъиян зарба беришимиз зарур. Демак, бу борада ишларимиз кўп. Ишончим комилки, ўртоқ Сухаревни бу лавозимга танлаб хато қилмадик.

Савол: Сиз маҳсулотни харид қилиб, қайта сотадиган кооперативларни тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўриш лозим, деб ҳисоблайсизми?

Горбачев. Бизга кооперативлар керак. Биз товарларни кўпайтириб, техникани, уй ва квартираларни ремонт қилишга кўмаклашадиган, яъни давлат системаси ҳамиша ҳам ўз зиммасига ололмайдиган ишларда ёрдам берадиган кооперативлар тарафдоримиз. Умуман, жуда зарур кооперативлар бор.

Овоз. Кооператорлар маҳсулотни қайта сотиш билан, чайқовчилик билан шуғулланишмоқда.

Горбачев. Давлат озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек бошқа бир қанча саноат молларини харид қилиб, қайта сотаётган кооперативлар бошқа ёқ. Улар қандайдир майкачани сотиб олиб ва қандайдир гул солиб, нархини анча оширишмоқда...

Овоз. Кооперативларнинг тўқсон процценти шундай.

Горбачев. Мана шундай кооперативларни аниқлаб олиш керак. Буни ким аниқлаши лозим? Умуман кооператив ҳаракатини қандай бошқариш керак? Биз Марказий Комитетда ва ҳукуматда мана шу масалаларни муҳокама қилиб, шундай хулосага келдикки, Министрлар Советининг кооперативлар бутун турмушини тартибга солиш — қандай кооперативларга эга бўлиш, қандайларига эга бўлмаслик, улар учун қандай солиқ белгилаш масалаларини жойларга топшириш — шу масалаларни маҳаллий органларнинг муҳокамасига топшириш тўғрисидаги қарори ушбу хулоса асосида қабул қилинди.

(Залда шовқин).

Горбачев. Менинг тушунишимча, ўртоқлар масалани шу тахлитда қал этиш мумкинлигини шубҳа остига қўяётган бўлишса керак?

Овозлар. Ҳа!

Горбачев: Бунинг боиси нимада? Маҳаллий органларга ишонч йўқми?

Овозлар. Ҳа!

Горбачев. Ленинград матбуотида ҳозирдаёқ кооперативлар хусусида таклифлар эълон қилинди, газетада бутун бир саҳифа ажратилди. Тўғри, мен уни ўқишга улгурганим йўқ, лекин кўрдим. Мана шу саҳифада кооперативлар — керакли ва ишлаши лозим бўлган ҳамда ёпиб қўйиш лозим бўлган кооперативлар тўғрисида маълумотлар бор дейишмоқда. Шундайми? Демак, қандай кооперативлар ишлаши керак, қандайлари эса ёпиб қўйилиши лозимлигини ленинградликларнинг ўзлари ҳал этиш ниятидадирлар. Бу тўғри, ўртоқлар.

Кўпгина республикалар, ўлкалар, областлар кооперативларни солиқлар системаси орқали бошқаришнинг муайян механизмларини топишди. Айрим кооперативларга фалон миқдорда солиқ солинади, бошқаларга — нархларни ҳаддан ташқари ошираётганларга эса юқори солиқлар солинади. Тўғри, баъзи ўртоқлар барибир кооператив яна нархни оширади, дейишмоқда. Шу боисдан ҳам шаҳарда, районда, областда буларни конкрет равишда аниқлаб олиш керак. Қандай кооперативлар ишлашини, солиқ солишнинг қандай системаси бўлиши кераклигини ўзларингиз ҳал этишингиз лозим. Аниқлаб олаверинг — ахир, сизларга шундай ҳуқуқ берилмоқда-ку. Ҳукумат қарори эса қабул қилинган. Ленинград Совети мазкур масалалар хусусида ўз таклифларини эълон қилганлиги ленинградликларга ўз фикрини билдиришларидан далолат беради, деб ўйлайман.

Овоз. Михаил Сергеевич! Бир йилча муқаддам ҳузуримизга ўртоқ Юрий Филиппович Соловьев келган эди. Ишчилар гапириб: бу қанақаси, биз товарлар учун Пушкин шаҳрига қатнаяпмиз, дейишганди. Ўшанда ўртоқ Соловьев икки йилдан кейин аҳвол ўзгаради, деб айтганди. Бундай раҳбарга қандай ишониш мумкин?

Горбачев. Агар бундан ҳеч нарса чиқмаса, - хулосалар чиқариб оламиз, бу масалани қандай ҳал этишимиз кераклиги йўлларини излаймиз. Аммо ҳар бир кооперативнинг тақдирини Москвада туриб ҳал қилиб бўлмайди.

Овоз. Мени миллий муносабатлар каби масала ҳам қизиқтирмоқда. Гап шундаки, съездда кўп депутатлар сўзга чиқишмоқда. Улар нималарни гапиришяпти? Нега бундай даҳанаки жанг бўляпти? Депутатлар бу масалаларни съездда наҳотки бошқача ҳал этаолишмаса! **(Қарсаклар).**

Горбачев. Яхши. Жавобларни давом эттираман, қисқароқ жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан **(саволни ўқиб эшиттиради).**

Савол. Халқ депутатларининг съездида ўртоқ Оболенский Олий Совет Раиси лавозимига ўз номзодини кўрсатганда нима учун сиз ўрнингиздан туриб, бу масалада демократияни ҳимоя қилиш зарур, деб айтмадингиз, ахир сизга ҳеч қандай хавф-хатар йўқ эди-ку? **(Қарсаклар).**

Горбачев. Уч номзод: Горбачев, Оболенский ва Ельцин кўрсатилган эди. Ельцин ўз номзодини қайтариб олди, Оболенскийни съезд овоз бериш учун рўйхатга киритмади. Мен эса қулоқ солиб ўтирдим. Нима учун? Биз ўтаётган жараёнга ишонишимиз керак, деб ўйлайман ўртоқлар. Демократик жараён менга даҳл қилиши керакми ёки йўқми, деган масала мен учун мавжуд эмас. У даҳл қилмоқда, зотан сизлар қайта қуришнинг тўрт йили мобайнида буни пайқамай қолишингиз мумкин эмас. Ҳозир жамият эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси, барча маълумотлар ошкоралик ва демократия шароитида очиб қўйилди. Мен бунга қандайдир ҳисса қўшган бўлсам керак **(Қарсаклар).** Сизларда ўзимга нисбатан ачиниш туйғусини уйғотмоқчи эмасман, йўқ. Мени тушунинг, мен демократик йўлга содиқман. Агар менинг олдимга ўтмишда мамлакатга раҳбарлик қилиш ва уни бошқаришнинг эскича системасига қайтишни танлаб олиш вазифаси қўйилганда мен дарҳол ўз лавозимимдан воз кечган бўлур эдим.

Чунки агар жамиятда ҳозир рўй бераётган жараёнларга назар ташланса, ҳамма нарса демократиялаш орқали: иқтисодий турмушни демократиялаш, сиёсий турмушни демократиялаш, маданият соҳасини демократиялаш, барча ижтимоий кучларни демократиялаш орқали ўтмоқда. Мен шу йўлга содиқман ва охиригача шундай бўлиб қоламан. Жамиятни демократиялаш учун қўлимдан келган ҳамма ишларни қилавераман. Ҳеч қандай шароитларда, ҳеч қандай бурилишларда шахсни бостирувчи буйруқбозлик-маъмурий системага, айниқса ҳар қандай шахсга сиғинишга имкон бермайдиган шарт-шароитларни вужудга келтиришни ўз фаолиятимнинг мақсади деб биламан. Бундан бошқача бўлиши менинг эътиқодларимга зиддир. Менга халқ номидан бериб қўйилган ғоят катта ваколатлардан бошқача фойдаланишни истамайман. Фақат халқ манфаатлари, фақат қайта қуриш ва мамлакатда демократияни ривожлантириш манфаатлари йўлидагина фойдаланилади. **(Қарсаклар).**

Халқ депутатлари съездида биз ниҳоятда хилма-хил фикрларни, турли-туман мулоҳазаларни эшитдик, сизлар билан биз жамиятимизнинг ҳақиқий манзарасини кўргандек бўлдик. Мен буни съезднинг муҳим хизмати деб ҳисоблайман. Иккинчи томондан, съезд ҳокимиятнинг Советларга амалда топширилишини бошлаб берди. Маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловда бу жараён янада ривожлантирилади, бу ҳам мамлакатимиз тақдири учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлади.

Бизга демократия турмушимизни яхшилик сари ўзгартириш учун керак. Шу боисдан шунчаки парламентбозлик, жанжал-сурон — бу халқ депутатига номуносиб иш. Бунга ҳам ниҳоятда ишончим комил. Сизлар министрларнинг номзодларини муҳокама қилишга кўп вақт кетяпти, демоқдасиз. Депутатлар ҳар қандай масалани равшанлаштириб олишга ҳаракат қилмоқдалар, кўр-кўрона кўпчилик билан министр лавозимига номзодни шунчаки тасдиқлаб қўймасдан балки онгли равишда танлаб олиш учун тўғри жавобни эшитишни истамоқдалар. Бу кўп вақтни олмоқда, бироқ ҳаммамиз учун: министрлар учун ҳам, депутатлар учун ҳам, бутун жамият учун ҳам бу жуда зарур, деб ўйлайман.

Биз ўз ҳукуматимизни — тарихимизнинг мана шундай масъулиятли босқичида масалаларни ҳал этишни ишониб топшираётган кишиларни билишимиз лозим. Баъзида Олий Совет сессияси ишини чўзиб юбордингиз, деган таъналаларни эшитишга тўғри келмоқда. Ҳа, камчиликлар бор, аммо шуни назарда тутингки, демократик жараён ҳамиша муайян камчиликлар билан бирга ўтади. Бироқ асосий масалада унинг қиммати анча ортиқдир, барча камчиликлардан бир неча баравар устун туради.

Савол. Мулкчиликнинг турли шаклларига — давлат, кооператив ва хусусий мулкчиликка ҳақиқатан ҳам тенг ҳуқуқлар беришини назарда тутяпсизми ва қачон шундай қилинади?

Горбачев. Биз хўжалик ҳисоби орқали, ижара, орқали, кооперативлар орқали социалистик мулкчилик имкониятларини намоён этиш учун ҳамма ишни қилаверамиз. Биз заводларни хусусий мулк сифатида тақсимлай бошлашимизни тасаввур эта олмайман ва менимча, ҳар биримизнинг ҳам буни тасаввур этишимиз қийин.

Овоз. Кооператив мулкчиликка-чи?

Горбачев. Кооперативга бўлса — марҳамат!

Овоз. Ерни-чи?

Горбачев. Ерни ҳам. У умумхалқ мулки бўлиб қолаверсин, ўндан эса турли шаклларда фойдаланиш, шу жумладан деҳқонларга ҳам, кооперативларга ҳам, бошқа бирлашмаларга ҳам ижарага бериш мумкин. Биз айни мана шунда рўй-рост, дадил ва қатъиятли бўлишимиз лозим. Биз ижара тўғрисидаги қонунни қабул қилаётганимизда шундай қоидани жорий этиш керакки, Советлар ерга эгалик қилувчилар сифатида Совет ҳокимиятининг ҳуқуқини — ерни у ёки бу раҳбарларнинг ҳоҳишидан қатъи назар ижарага бериш ҳуқуқини рўёбга чиқарадиган бўлсинлар.

Аммо мен хусусий мулкчиликка қаршиман. Биз учун бу номақбулдир. Хуллас, мен хусусий мулкчиликка қаршиман. **(Қарсаклар).**

Овоз. Михаил Сергеевич...

Горбачев. Хўш, сиз-чи, ўртоқ, ҳозирдаёқ капиталистларга ишламоқчимисиз?

Овоз. Яхши ҳақ тўлашса капиталистларга ҳам ишлаш мумкин!

Горбачев. Бу сизнинг шахсий нуқтаи назарингиз. Ишончим комилки, ишчилар синфи социализмдан воз кечмайди, чунки у ижтимоий мулк орқали ўзининг олисни кўзловчи социал вазифаларини ҳал эта олади. Аммо биз социалистик мулкдан корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги ва ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш доирасида, иқтисодий турмушни ташкил этишнинг турли шаклларида фойдаланяпмиз ва бундан буён ҳам фойдаланаверамиз. Бундаги имкониятлар чексиздир. Бизда капитализмга иштиёқмандлар кўп бўлмайди, деб ўйлайман.

Савол. Ижорга келишингиздан мақсад нима?

Горбачев. Мен кўпдан буён шу ерда бўлишни истардим. Сизларнинг бирлашмангиз — концернларнинг бири, бу ерда жуда муҳим синов ўтказилмоқда. Биз экономикамизнинг келажагини ана шу синов билан боғлаяпмиз.

Савол. Бизники каби концернларнинг иши тўғрисида маълумотлар борми?

Горбачев. Бор. Маълумотлар қизиқарли. Энг яхши маълумотлар Москвадаги «Квантэмпу» концернига таллуқли деса бўлади. У ерда жуда яхши истиқболлар очилмоқда. Тармоқлараро ғовлар ҳамда фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ғовлар емириб ташланмоқда. Натижада чаққон ҳаракат қилиш учун ғоят катта имкониятлар очилмоқда.

Савол. Маҳаллий Советлар — район, шаҳар, область Советларига, шунингдек республика Советларига ўтказиладиган сайлов муддатлари шу пайтгача ҳам маълум эмас. Ана шу сайлов қандай қонун асосида ўтказилади?

Горбачев. Қандай қонун асосида ўтказилишини айтдим. Ҳар бир республика ўзининг қонун актини ишлаб чиқади. Муддатларга келганда, маҳаллий ва республика Советларига сайловда жуда кўп кишилар ишга солинади. Депутатларнинг ўзиданғина икки миллион киши бўлса керак. Номзодларнинг қанча бўлишини айтмайсизми? Бу кампания қандай кўлам касб этишини тасаввур қиляпсизми? Бинобарин, ҳам қонун тайёрлаш жиҳатидан, ҳам ташкилий жиҳатдан олдимизда катта тайёргарлик ишлари турибди. Кўпчилик сайловни эрта баҳорда — ҳозир ишлаб турган депутатларнинг ваколотлари айни тугайдиган пайтда ўтказиш кераклигини ёқлаб чиқди. Бошқа таклифлар ҳам бор. Аммо бу масалани республикаларнинг ўзлари ҳал қилади.

Савол. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кечиктириб бўлмайдиган социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун неча йил талаб қилинади?

Горбачев. Биз ана шу муаммоларни ҳал этишга қандай қараётганимиз хусусида принципиал жиҳатдан жавоб қайтардим. Бизга кам вақт ажратилган деб ўйлайман. Озиқ-овқат муаммосини ҳам, халқ истеъмол қиладиган бошқа товарлар муаммосини ҳам ҳеч кечиктирмай, пайсалга солмай ҳал этиш лозим. Буни «қуйидагилар» ҳам, «юқоридагилар» ҳам тушунишмоқда, зотан уларнинг куч-ғайратларини бирлаштириб, бунинг учун ҳамма ишни қилиш керак. Олий Совет комиссиялари, комитетлари, Министрлар Совети бу соҳада ишлашмоқда: баъзилари бюджет бўйича, бошқалари кечиктириб бўлмайдиган чоралар бўйича ва хоказо

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ «ИЖОРСКИЙ ЗАВОД» БИРЛАШМАСИ ИШЧИЛАРИ БИЛАН СУҲБАТИ

(Давоми. Бошы биринчи ва иккинчи бетларда).

танқид қилинди. Аммо партиядан кўрсатилган ўртоқларнинг шахсий составига келганда, амалда танқид бўлгани йўқ. Бу жуда кучли состав!

Хўш, нима учун Бош секретарь сайловда «халқдан ажралиб» қолгандек эди? Сизларни Бош секретарнинг ўй-фикрларидан воқиф қилмоқчиман. Аввалига мен территориал округдан овозга қўйилишни истаган эдим. Лекин бу ҳолда: Бош секретарь партияни тарк этмоқда, дейишган бўлур эди. Нотўғри гап-сўзлар кўпайган бўларди. Шунинг учун мен: буларнинг ҳаммасини муҳокама қилишсин, таҳлил этишсин, тўғри ечим топилади, деганман.

Савол. Динга муносабатингиз қандай?

Горбачев. Бу масалада мен Конституциямиз позицияларига асосланаман ва уларни изчиллик билан турмушда рўёбга чиқариш керак, деб ҳисоблайман.

Савол. Шахсан сиз худога ишонасизми?

Горбачев. Йўқ, албатта! Мени чўқинтиришганини ва чўқинтириш чоғида исмимни ўзгартиришганини биламан, холос.

Савол. Советларга, партияга тўғридан-тўғри сайлов ўтказилишига муносабатингиз қандай?

Горбачев. Гап нима ҳақида боряпти? Энг юқори лавозимларга сайлов тўғрисидами?

Овоз. Ҳа, юқори лавозимларга.

Горбачев. Буларнинг ҳаммаси ўз қўлимизда, деб ҳисоблайман. Аммо менга президент сайлаш практикаси ҳам, «президент» сўзининг ўзи ҳам ёқмайди. Бу менинг эътиқодимга у қадар мувофиқ эмас. Совет, коллегия, барча республикаларнинг вакиллари кирадиган президиум менинг кўнглимга яқинроқ. Назаримда, бу демократиямизга, федерациямизнинг эҳтиёжларига кўпроқ жавоб беради. Лекин пировард натижада бизга шундай ҳокимият зарурми, ёки бошқаси зарурми, буни муҳокама қилиш, референдумда ҳал этиш мумкин.

Партиядаги сайлов хусусида гапирадиган бўлсак, бу ўринда анъаналар Ленин замонасида қарор топган ва биз уларни инобатга олишимиз керак. Бизнинг ҳисобот-сайлов кампанияларимиз демократик руҳда бўлиши муҳимдир ва ана шу руҳ ҳозир тобора кўпроқ намоён бўла боштади. Фикримча, партиядаги бўлажак ҳисобот-сайлов кампанияси илгаригиларидан жуда катта фарқ қилади. Партия ичи демократияси жараёни кучқувватга тўлиб бормоқда.

Савол. Давлат қабули ҳусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик?

Горбачев. Хўжалик ҳисоби голиб келиб, ҳар бир корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан манфаатдор бўлганида, давлат қабули керак бўлмай қолади. Агар сиз шунга эришган бўлсангиз, корхонангизда ҳозир давлат қабулини бекор қилиш мумкин.

Савол. Ўртоқ Бош секретарь, асли рус бўлиб, Америкага бориб қолган экономист Леонтьевнинг корхоналаримизда чет эл мутахассисларидан маслаҳатчи тариқасида фойдаланиш тўғрисидаги фикрига сизнинг муносабатингиз қандай?

Горбачев. Бунга ҳам, технология, молия, кредитни ташкил этиш, банклар фаолиятидаги тажрибани ўрганишга ҳам муносабатим ижобий, чунки у ерда анчагина фойдали ишлар қилинган. Экономикани бошқаришнинг иқтисодий методларига ўтилаётганида бу тажриба бизга фойдали бўлади. Дарвоқе ана шундай алоқалар бор, бундай ҳамкорлик бошланган.

Савол. Имтиёзлар ва енгилликларни қайта кўриб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик?

Горбачев. Биз, ўртоқлар, бир нарса хусусида келишиб олган эдик. Имтиёзлар ва енгилликлар ҳақида жуда қизғин мунозара бўлмоқда. Мен ўзимни босиқ-вазмин одам, деб биламан, аммо ҳар қалай, катта масалаларни тубдан ҳал этишга мойилман. Мен илгари бу масалани бир варакайига ҳал этиш мумкин, деб ўйлаган эдим. Шундан кейин тегишли материалларни сўраб олдим ва бу соҳада Совет ҳокимияти йилларида таркиб топган системани кўриб танг қолдим.

Биз корхоналар ва касаба союзлари ихтиёрида нималар бор экан, деб касаба союзларидан ахборот сўрадик. Шу нарса равшан бўлдики, республикаларда, областлар ва корхоналарда хўжалик ҳисобининг жорий этилиши натижасида корхоналарнинг имкониятлари кенгаймоқда ва имтиёзлар ҳажми ортиб бораверади. Республикаларда ҳам, областларда ҳам ўзининг ороғоҳларига эга бўлган кўпгина корхоналар бор. Бу корхоналардаги медицина қисмлари бизнинг исталган медицина қисмларимиздан афзалдир. Қора денгиз бўйида санаторийлари, Рига ва Фин кўрфазларида пансионатлари бўлган корхоналар бор. Ахир буни коллектив ўз меҳнати билан топган — шундай экан, коллективнинг ўзи фойдаланаверсин.

Иккинчи жиҳатдан эса, илм-фанда унвон бериш, муайян рағбатлантириш, академиклар учун имтиёзлар белгилаш йўли билан ўзининг рағбатлантириш системаси бор. Ҳарбийлар учун, ветеранларнинг бир қисми учун, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари учун ва ҳоказо имтиёзлар бор.

Хуллас, қонунлаштирилган имтиёзлар ва енгилликларнинг жуда кенг тармоғи бор. Бу шу қадар мураккаб масалаки, қандайдир ошхоналар ва дўконларни ёпиш билан иш битмайди ёки бошқа бир гапни олайлик: Олий Советда СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 4-бош бошқармаси тўғрисидаги масала кўтарилган эди. Аммо, ахир, бундай поликлиникалар партия ходимларигагина эмас, жуда кўп доирадаги кишиларга — министрлик хизматчиларига, ижодий ходимларга, ветеранларга ва бошқаларга хизмат қилади.

Сўнгги вақтда буларнинг ҳаммасини тугатиш керак, деган фикр айтилмоқда. Лекин, назаримда — ҳозир шу иш билан шуғулланиб бошладилар. Аввало, бор нарсани аниқлаб олиш керак. Совет ҳокимияти йилларидаги бисотимизни, қандай имтиёзлар ва енгилликлар системаси таркиб топганини қунт билан ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Нимаики қонуний деб эътироф этилса тасдиқлаб олиш ва нимаики ғайриқонуний деб тан олинса тугатиш керак.

Овоз. Михаил Сергеевич, ҳойнаҳой савол бошқачароқ қўйилган эди, чамаси.

Горбачев. Хўш, саволнинг мағзи нимада эди?

Овоз. Ҳамонки, биз ҳозир бошимиздан оғир даврни кечираётган эканмиз, ҳойнаҳой, ҳамма — биз ҳам, академиклар ҳам шу даврни бошидан кечириши керакдир. Агар таъбир жоиз бўлса, кунимиз қора нонга қолган экан, барчанинг насибаси шундай бўлсин. Саволимизнинг мағзи шунда эди.

Горбачев. Аммо, меҳнатга ҳақ тўлашни табақалаштириш керак. Ҳозир ривожланаётган мамлакатлардан жуда кучли олимлар Америкага кетиб қолмоқдалар, бизда ҳам шундай бўлмаслиги керак. Ахир, булар истеъдод соҳибларикку! Шунинг учун ҳам, ўртоқлар, социализм принципига риоя этиш керак. Пулни меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тўлаш лозим. Аммо, айни вақтда, социал жиҳатдан муҳофаза этилганликнинг кафолат берилган даражаси бўлиши лозим. Бу барча меҳнаткашларга тааллуқли қобилиятли одамлар, меҳнати билан катта ҳисса қўшаётган кишилар ана шу даражадан юқорироқ рағбатлантирилиши даркор ва ҳоказо. Назаримда, ҳамма иш маош билан рағбатлантирилгани маъқул. Бу асосий имтиёз бўлиши зарур — майли, ҳамма маошига кўра неъматлардан баҳраманд бўлаверсин.

Овоз. Биз худди ана шу хусусда гапиряпмизда! **(Қарсаклар).**

Савол. Ленинград шаҳрида барча ниҳоятда тақчил бўлиб турган саноат моллари олдиндан берилган буюртмаларга кўра, фақат уруш ветеранларига, Афғонистондаги урушда қатнашган ветеранларга тарқатилмоқда. Мен имтиёзларга қарши эмасман, аммо, қариндошуруғлари ва таниш-билишлари ўртасида ветеранлар бўлмаган кишилар, яъни биз нима қилайлик? Агар мен бирон-бир нопок ветеранни топа олмасам ва у менга ун-ча-мунча пул олиб, хизмат кўрсатмаса, на кир ювиш машинаси, на телевизор, на холодильник сотиб ололмайман. Молларнинг бир қисми ветеранлар эҳтиёжи учун, қолган қисми эса ҳамма учун савдога чиқарилиши керак-да.

Горбачев. Ишончим комилки, ҳозир ана шундай. Бир қисми савдога чиқарилмоқда.

Овозлар. Йўқ.

Горбачев. Жиддий масала. Мана қўлимга яна бир хат тушди: «Совет миллионерларини йўқотиш учун қандай тадбирлар кўрилянти?» Хўш, сиз миллионерлар бор, деб ўйлайсизми?

Овозлар. Ҳа.

Горбачев. Биз қатъият билан қўйидагича иш тутишимиз зарур. Биринчиси ва энг асосийси: текисчиликка барҳам бериб, фақат ишлаб топилган пулларни тўлаш лозим. Меҳнатсиз даромадларга қарши қатъият билан курашиш керак.

Кооперативлар муносабати билан саволлар пайдо бўлиши мумкин. Москвалик бир коммунист 3 миллион сўм ҳисобидан партия взноси тўлашга келибди. Мен буни ҳаддидан ошиш деб атаган бўлур эдим. Бунга қарши қатъият билан курашиш керак.

Айтмоқчи, шу муносабат билан кооператорларга солиқ солиш системаси қабул қилинди-да. Даромадлар ўртасида катта тафовутлар бўлмаслиги учун мазкур системани тартибга солиб туриш керак. Аммо бир қадар тафовут бўлади ва бўлиши ҳам керак. Акс ҳолда меҳнатнинг сифати ва миқдорига қараб рағбатлантиришдек меҳнатга ҳақ тўлашнинг бутун принципи зое кетади.

Савол. «Ижорский завод» синфари жуда йирик бирлашмаларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан кооператив цехлар бунёд этишга муносабатингиз қандай?

Горбачев. Бу масалани принцип жиҳатдан ўрганиб чиқинг. Барча одамлар ана шу кооперативга ўтиб кетишмасмикан **(Кулги).**

Савол. Район ижроия комитетида ҳам, шаҳарда ҳам, хуллас ҳеч қаерда жавоб бериша олмаётган бир саволга жавоб берсангиз? Қуролли Қучлар қисқартирилаётгани муносабати билан ҳарбий хизматчи оиласи билан менинг хонадонимга кўчиб келиб, пропискадан ўта оладими, уларга уй-жой бериладими, улар уй-жой олиш учун навбатга туриш ҳуқуқига эгами?

Горбачев. Хуллас, гапнинг лўндаси бундай: кимки хизмат қилаётган бўлса, мен офицерларни назарда тутмоқдаман, эътиборли бўлиши керак. Неча ўн йиллар мобайнида биз армиянинг ҳурматини жойига қўйиб келдик. Бу ўзгармай қолиши керак. Бу — бизнинг армиямиздир, у халққа хизмат қилади, у халқнинг хавфсизлигига кафолатдир. Сизни ишонтириб айтаманки, армия ана шу хавфсизликка кафолат беради. Биз, ҳамиша бўлганидек, ҳарбийлар ҳақида ғамхўрлик қилишимиз керак, қурол-яроғлар қисқартирилаётган ҳозирги пайтда яна ҳам яхшироқ ғамхўрлик қилишимиз керак бўлар. Ҳарбий хизматчиларимиз жамиятда армия тўғрисидаги ғамхўрлик, жумладан, истеъфога чиқишга мажбур бўлган кишилар ҳақида ғамхўрлик барқарор бўлиб турганлигини ҳис этишлари керак. Бу энг асосий масаладир. Сиз бу ўринда бефарқ бўлмаслигингиз керак. Бу энг асосий масаладир. Бу киши тақдиридаги жиддий бурилишдир ва бу бурилиш жамиятнинг эътиборини талаб этади. Акс ҳолда, Совет ҳокимиятининг обрўси тўкилади. Бу масаланинг мақбул ечимини топиш керак, деб ҳисоблайман. Бу ҳойнаҳой фақат Ленинградда содир бўлаётган аҳвол эмас, балки умумий вазиятдир. Шаҳар Совети сессияси бу масалани ҳал этиши керак.

Савол. Сиёсий иш ташлашга муносабатингиз қандай? Масалан, маҳаллий Советларга сайлов тўғрисида нодемократик қонун қабул қилингудек бўлса, сиёсий иш ташлашга муносабатингиз қандай бўлади?

Горбачев. Назаримда, маҳаллий Советларга сайлов тўғрисида нодемократик қонун қабул қилинмайди.

Савол. Сиз буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасини йўқ қилиш керак, демоқдасиз. Бу ҳолда министрликларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини қандай тушуниш мумкин.

Горбачев. Мендан гумон қилмассиз. Бош секретарь қайта қуришнинг муваффақиятига қарши деб ўйламассиз, мен шундан умидворман. Мен қайта қуриш тезроқ амалга ошиши ва самаралар беришидан жуда манфаатдорман. Лекин, тезроқ деганимизда қайта қуриш бир кечада, бир ҳафтада, бир йилда, икки йилда содир бўлади, деган маъно чиқмайди. Шошилинч масалалар бор, улар дарҳол ҳал этилиши керак, бошқа масалалар эса, беш, етти, ўн йил мобайнида ҳал этилади. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасидан иқтисодий методларга ўтиш тўғрисидаги масала жуда жўн бўлмаган масаладир ва уни бир варакайига ҳал этиб бўлмайди.

Савол. Кооперативларга солиқ солиш масаласи қандай ҳал этилди? Нега энди биздаги ошкоралик даврида бу масала умумхалқ иштирокида муҳокама қилинмади?

Горбачев. Кооперативларга солиқ солиш масаласи жуда фаол, айтишим мумкинки, жон-жаҳд билан муҳокама қилинди. Ҳатто курашга тушиб кетишди. Бу масала хусусидаги мунозаралларда кооператорлар, молия органлари иштирок этдилар. Аммо бу масала умумхалқ муҳокамасига қўйилмаганлиги камчиликдир, деб ўйлайман. Лекин бу камчиликни осонликча бартараф этиш мумкин. Энди Олий Совет халқ манфаатларини ҳимоя қилиб турибди ва мабодо қандайдир ўзгаришлар зарур бўлиб қолса, Олий Совет солиқ солишнинг ҳозирги системасини тасдиқламайди.

Савол. Ҳозир атом энергетикасини ривожлантиришнинг истиқболлари қандай?

Горбачев. Жаҳонда атом энергетикасисиз ишимиз юришмайди, деган фикр қарор топган, мен бунга қўшиламан. Умумий энергетикамизда унинг салмоғи қандай бўлиши кераклиги бу бошқа масаладир. Ўз-ўзидан равшанки, кафолат берилган хавфсизлик бўлиши лозим. Аммо, атом энергетикасисиз биз яшай олмаймиз.

Савол. Ленинградда кўнгилочар марказлар бунёд этилишига муносабатингиз қандай?

Горбачев. Сизнинг қарорингизга ишонаман. **(Қарсаклар).**

Савол. 20 миллионли партиямизнинг ҳоли не кечади. Фикрингизча, унинг бундан буёнги фаолияти, тақдири қандай бўлади? Сиз давлат ишлари билан шуғулланмоқдасиз, шунинг учун ҳам Сиёсий бюро аъзоларидан бирига партиянинг ички ишлари топширилса, деган илтимос бор.

Горбачев. Агар биз партиянинг сусайишига, партия илғор фаолиятининг пасайишига йўл қўйгудек бўлсак, биз социализмга ўнглаб бўлмайдиган зарба берган бўлур эдик. Бутун халқимиз манфаатларининг ифодачиси, жамиятимизни бирлаштирувчи, жипслаштирувчи ниҳоятда ишончли куч партиядир, унинг сиёсатидир, партиянинг ташкилотчилик фаолиятидир. Партиянинг бугун жамиятимизда таркиб топган босқичдаги реал вазиятни ҳисобга олиб ҳаракат қилиши лозимлиги — бу бошқа масаладир.

Партия демократиялаш жараёнини ҳисобга олиши ва уни рағбатлантириши керак. Партия сунъий вазифалардан, хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган ёки Советлар фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалардан ҳоли бўлиши керак. Бу иш билан Советлар ва бошқарувнинг тегишли органлари шуғулланиши лозим. Партия ўзига хос бўлмаган вазифаларни бажаргани учун биз жуда кўп нарсаларни бой бердик ва назаримиздан қочирдик. Биз жамиятимиз тараққиётини аллақачон таҳлил этишимиз лозим эди. Биз аллақачон тўғри баҳолар беришимиз, хулосалар чиқаришимиз ва тегишли сиёсатни ишлаб чиқишимиз зарур эди. Биз бу ишни қилмаганлигимизнинг боиси шундаки, партия комитетлари ўрим-йиғимда қатнашдилар, ер қайдадилар, ҳосилни йиғиштириб олдилар, овқат пиширдилар, пўлат эритдилар ва ҳоказо.

Сиз, хўш, энди партия бу юмушлардан ҳоли бўлмоқчими, деб сўрашингиз мумкин. Йўқ! Аммо партия, аввало, сиёсий масалаларни ҳал этиши, жамиятга , истиқбол йўлини очиши, етилиб келаётган муаммоларни илғаб олиши ва уларни ечиш усулларини таклиф қилиши керак. Ана ўшанда ҳозир биз дуч келганимиздек шунча муаммо тўпланиб қолмайди. Сиёсий раҳбарлик борасида ҳам партиянинг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Барча жамиятларда сиёсий ташкилотлар бор. Бунинг устига, меҳнаткашлар қураётган социалистик жамият ўз потенциалини ишончли сиёсий раҳбарият, худди ана шу сиёсий раҳбарият мавжудлиги шароитида амалга оширади ва амалга ошириши керак. Партия иқтисодий, социал, кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиб, шу сиёсатни мафқуравий жиҳатдан таъминлаб, омма ўртасида ташкилотчилик иши олиб бориб, сиёсий авангард сифатида майдонга чиқиши керак. Бу борада ҳеч ким партия ўрнини босолмайди. Партиямиз ўз сафларини қайта қуриб, янги куч-ғайратга эга бўлади, унинг обрў-эътибори ортиб ва мустаҳкамланиб бораверади, мен партиямизнинг тақдири шундай бўлади деб ўйлайман.

Ҳозир партия шанига танқид, асосан, икки йўналишда бўляпти, чоғи. Биринчидан, ўтмишда йўл қўйилган барча ҳатолар учун танқид қилинмоқда. Модомики, партия барча масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олган экан, унинг фаолияти тўғри танқид қилинмоқда. Бизнинг ўзимиз ҳам Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленумидан бошлаб ана шундай танқидга кўкрак кериб чиқдик, барча айнишлар, хатолар ва нуқсонларни танқид қилдик, ўзимизни ўзимиз ҳам танқид қилдик. Бундай партияни ардоқласа арзийди. У мардлиги ва етуклигини намоён этди ва бу партия куч-қудратининг белгисидир. Биз хатога йўл қўймадик, қайта қуриш сиёсатини таклиф этиб, партия ўз обрўсини оширди.

Аммо, ҳозир, биз қайта қуриш сиёсатини амалга ошираётганимизда танқид аслида бошқа йўналишдан бормоқда: кўпгина янги саволлар пайдо бўлди ва партия ўз вақтида уларга жавоб қайтара олмади, кечикиб қолди, ишчилардан, жамияттдан орқада қолди. Бундан қандай хулоса чиқариш керак? Биз бундан буён ҳам демократиялаш ва ташаббусни ривожлантириш принципларида партияни қатъият билан янгилашимиз ва қайта қуришимиз керак. Бу гап айниқса, бошланғич партия ташкилотларига тааллуқлидир. Бўлажак ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида ана шу ишни тўла амалга ошириш керак.

Халқ нима ҳақда гапираётган бўлса, партияда ҳам шу ҳақда гапириш лозим. Баъзи бир масалаларни ойдинлаштириш ёки муҳокама қилиш учун ҳамиша ҳам бирор-бир майдонга тўпланиш шарт эмас. Аммо ўз ташкилотида, ўз коллективида одамларни ҳаяжонга солиб турган бу масалаларни муҳокама қилиш керак. Ҳамма нарсани рўй-рост муҳокама қилиш лозим ва натижада коллектив хулосалар ишлаб чиқилиши керак. Бошланғич партия ташкилотига, район партия ташкилотига энг обрўли коммунистлар бош бўлишларга эришиш даркор. Бугунги кунда бу чинакам обрўга эга кишилар бўлиши керак.

Энди Сиёсий бюро аъзоларидан бирига партия ишларини юритишни топшириш ҳусусида гапирмоқчиман. Сиёсий бюро барча сиёсий масалалар хусусида коллектив қарорлар ишлаб чиқмоқда. Биз Министрлар Советининг ва табиийки, Олий Советнинг ҳам ўрнини босмасликка ҳаракат қилмоқдамиз. Аммо барча долзарб сиёсий масалаларни муҳокама қилмоқдамиз ва шундай ёндашувларни ишлаб чиқмоқдамизки, уларни ҳам Олий Советда, ҳам ҳукуматда ишлаётган коммунистлар ҳисобга олишмоқда.

Сиёсий бюронинг фаолиятида партия фаолиятига кўпроқ эътибор бериш керак. Бу борада Сиёсий бюро ишида қайта қуриш ҳали охирига етказилмаган. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ идеология, ташкилотчилик, тарғиботчилик иши масалалари тобора кўпроқ Сиёсий бюрода кўриб чиқилмоқда. Биз партия Марказий Комитети комиссияларининг фаол ишидан умидвормиз, ушбу комиссиялар Марказий Комитет коллектив иши доирасини кенгайтирмоқдалар. Комиссияларнинг аъзолари кўпгина масалаларни энди сиёсатнинг бошқача даражасида кўриб чиқиш имкониятига эгадирлар. Бундан мақсад — ҳаётда содир бўлаётган воқеаларни ўз вақтида илғаб олиш ва ўз вақтида тегишли сиёсий хулосалар чиқаришдан иборатдир.

Корхоналарнинг раҳбар кадрлари ҳақида гапирмоқчиман. Илгари партия кадрлар сиёсати учун жавобгар эди. Давлат корхонаси тўғрисидаги қонун чиққанидан кейин меҳнат коллективи зиммасига ҳам ана шундай масъулият тушди. Партияда ҳам, давлат аппаратида ҳам, хўжалик ва маданият соҳасида ҳам қайта қуришни таъминлаш учун кадрлар сиёсатини албатта партия ишлаб чиқиши, тегишли сиёсий йўл-йўриқлар кўрсатиши, демократик жараён доирасида таклифларни ишлаб чиқиш, номзодларни муҳокама қилишда иштирок этиши керак. Шундай қилиб, демократия доирасида кишига у ёки бу лавозимни, у ёки бу участкага раҳбарликни ишониб топшириш тўғрисидаги масалани ҳал этиши керак. Бу иш фақат демократик жараён доирасида бўлиши лозим.

Савол. Пенсия ҳақида қонун бўладими?

Горбачев. Бўлади. Шундай қонун ишлаб чиқилмоқда.

Биз янгича пенсияларга ўтишимиз керак. Қонун лойиҳаси эълон қилинади. Лойиҳа яқин орада ҳукумат ва ВЦСПСга тақдим этилиши керак. Шундан кейин у умумхалқ муҳокамасига қўйилади ва Олий Советга тақдим қилинади.

Савол. Қайта қуриш саботажчиларига қарши курашда Октябрь инқилоби йўлидан бориш учун фурсат келмадими?

Горбачев. Назаримда, ўртоқлар, биз, барча ижтимоий жараёнларга халқни жалб этиб бораётган йўлимиз — энг тўғри йўлдир. Саботажчиларга ҳам, кечаги кун кишиларига ҳам тобора қийин бўлиб бормоқда, эртага эса улар, умуман, ҳаракат қила олмай қоладилар. Корхона даражасида ҳам, ҳар бир совет даражасида ҳам демократиялаш жараёни — худди ана шу энг тўғри йўлдир. Тартиб ўрнатиш борасидаги ўша махсус отрядлар — ҳар хил учликлар, тўртликлар, еттиликлар нималарга олиб келганини биз биламиз. Биз, ҳарқалай, одамларнинг, коллективларнинг, кадрларнинг ва ҳоказоларнинг тақдирини ҳал этишда раҳбарнинг телефон қоқиши оқибатида пайдо бўладиган қандайдир ҳуқуқ эмас, балки, қонун устун бўлишига эришишимиз лозим. Бу жараён демократия орқали бўлмоқда. Бизда бу жараён қизғин кечмоқда.

Овоз. Яна бир сўнгги савол бор...

Горбачев. Наҳотки сўнггиси бўлса? **(Кулги).**

Савол. Нархлар аслида ҳар куни кўтарилмоқда, кооператорлар сабабли нарх жуда қимматлашиб кетди, аммо шунга қарамасдан ҳукумат ва сиз харид ва чакана нархларни кўтариш зарурлиги ҳақида гапирган эдингиз.

Горбачев. Йўқ ўртоқлар. Чакана нархлар хусусида гапирадиган бўлсак, шу яқин икки-уч йил ичида бозордаги вазият бу нархларнинг оширилишига йўл қўймайди, бу биринчидан. Иккинчидан, биз бу масалани сиз билан биргаликда ҳал этамиз, бунинг устига, Олий Совет ҳозир барча ана шу жараёнларни назорат қилиб турибди. Умумхалқ муҳокамасидан ўтказмай туриб, чакана нархлар ислоҳоти амалга оширилмайди. Биз бу ислоҳот одамларнинг турмуш даражасига таъсир этмаслиги хусусида ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Демак, ўрнини қоплашнинг турли вариантлари пухта ўйланиши лозим. Лекин бу келажакда бўладиган масаладир.

Савол. Экология муаммосининг ўткирлигига қандай баҳо берасиз?

Горбачев. Рўй-рост айтадиган бўлсам, экология гирибонимиздан олди. Бу билан ўйнашиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу ишга каттагина маблағ сарфланишини назарда тутаётган, пухта ўйланган давлат программаси бўлиши лозим. Ҳеч ким, бирорта ишлаб чиқариш ҳам ўзини экология вазифаларини ҳал этишдан ҳоли қила олмайди. Янгидан қурилаётган ҳар бир корхона тегишли экология экспертизасидан ўтказилиши зарур. Ҳозир ишлаб турган корхоналар модернизация қилиниб, унинг атрофидаги экология вазияти нормага туширилиши керак. Бу шундай бўлинмаларни жорий этмоқчимиз — улар ишга кириша бошлашди — бу бўлинмалар бирорта корхонага ҳам экология масалалари ҳисобига ўз молиявий кўрсаткичларини ростлаб олишга имкон бермайди. Бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Жамият ҳам қаттиқ туриб шуни талаб қилади, деб ўйлайман.

Биз миллий программани ишлаб чиқмоқдамиз, мазкур программада барча масалалар жамул-жам бўлади, бундан муддао шуки, экология соҳасида барча нарса яхшиликка қараб ўзгарсин. Аммо бу ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаракат қилиш зарурлигини, шу жумладан жамоатчи ташаббускор группалар ҳаракат қилиши зарурлигини истисно этмайди, мазкур группалар, узил-кесил қарорлар қабул қилинишини кутиб ўтирмай, экология вазияти хавфли тус олганида бу масалаларни ўртага қўйишлари керак.

Савол. Яқинда депутат Иванов ҳузуримизда нутқ сўзлаб, Гдлян группаси аслида тарқаб кетганини, суд йирик порахўрларни оқлаб юборганини сўзлаб берди. Бу расмий маълумлар зиммадан иш кўраётган корчалонлар билан, бошқача айтганда мафия билан муносабатларни ёмонлаштиришни истамаётганликларини англатадими?

Горбачев. Москвалик депутатлар билан учрашув чоғида мен ўртоқ Гдлян оғзидан биринчи бор раҳбарият порахўрликда айбланаётганини эшитганимда танг қолган эдим. Мен бундай дедим: ўртоқ Гдлян, ҳамонки шу гапларни айтаётган экансиз, қўлингизда сира рад қилиб бўлмайдиган жуда ишончли фактлар бўлиши керак. Агар ихтиёрингизда барча далиллар бўлса, хотиржам бўлишингиз мумкин. Аммо, шундай далиллар бўлмаса, ўз сўзларингиз учун жавоб беришга тўғри келади. Орқа-ўнгига қарамай, бундай айб тақаш учун ҳеч кимга ижозат берилмайди. Шуни айтишим керакки, билишимча, ўртоқ Лигачев ўзига ва бошқаларга ниҳоятда талабчан кишидир. У виждонига хилоф иш тутмайди, бунга ишончим комил, акс ҳолда менга яшаш ва ишлаш қийин бўлур эди. Аммо шунга қарамасдан, ҳатто мен ишонмасам ҳам, айблов текширишни талаб этади. Модомики, масала шу тахлитда жиддий қўйилган экан ва жуда жиддий айблар тақаётган экан, оқибат оғир бўладими, енгил бўладими, бундан қатъи назар масалани охиригача ўрганиш керак. Ана шу ўрганиб чиқиш хулосаларига кўра, бу хулосалар кимга дахлдор бўлишидан қатъи назар, тегишли чоралар кўриш лозим бўлади. Биз шу йўлни, фақат шундай йўлни тутамиз!

Шубҳа ва гумон уйғотадиган барча сабабларни ўртадан кўтариб ташлаш учун биз, биринчи босқичнинг ўзидаёқ, комиссия, туздик, ушбу комиссияга депутатлар, москвалик ҳуқуқшунослар ва бошқа ерлардан келган адлия ходимлари киришди. Улар биринчи босқичда қатнашдилар, ҳозир эса халқ депутатлари съезди ўз комиссиясини тузди. Шу комиссия ишлайверсин, кейин эса съездга, ҳаммамизга ҳисоб берсин. Қандай қарорлар қабул қилиниши лозим бўлса, ҳеч кимни аяб ўтирмай, шундай қарорлар қабул қилиниши керак. Мен худди шундай деб ўйлайман.

Савол. Ёш мутахассисларнинг, жумладан корхонамиздаги ёш мутахассисларнинг уй-жой шароитлари ҳақида фикрингиз қандай?

Горбачев. Бу масалаларни қонунга кўра ҳал этиш керак. Бу ўз маъмуриятингизга бериладиган саволлардир, ўртоқлар. Касаба союз бор, коллектив бор. Агар мен мамлакатни айланиб, «шохона» кўрсатмалар бераверадиган бўлсам, бу бемаънилик бўлур эди.

Бу масалани директор, партком секретари, меҳнат коллективи кенгаши раиси махсус муҳокама қилишлари, бу муҳокамага ёш мутахассисларни таклиф этишлари керак.

Қўлимга бир хат тушди, унда заводга келганим учун миннатдорчилик билдиришибди, бу биринчидан. Иккинчидан эса, хат муаллифининг қайта қуриш амалга ошишига ишончи комил! **(Қарсаклар).**

Сизлар билан учрашганимдан жуда хурсандман. Ўзингизни ишга чоғлаб турганингизни сездим. Сизга катта муваффақиятлар тилайман. **(Қарсаклар).**

Овозлар. Катта раҳмат, Михаил Сергеевич.

Горбачев. Хайр.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

«БИЗНИНГ АНКЕТА»ГА ЖАВОБЛАРДАН САТРЛАР

Редакциямиз газетхонлардан «Совет Ўзбекистони» анкетаси саволларига кўплаб жавоблар олянти. Ана шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ПАРТИЯ ҲАҚИДА

● Бизнингча, энг аввало, партия ташкилотлари маҳкамачиликка қарши қаттиқ кураш олиб боришлари керак.

М. ЭШБОЕВ,
Ленин йўли райони.

● Бошланғич партия ташкилотлари кўпроқ оммани ташвишга солаётган жиддий муаммоларга эътиборни кучайтирса айни муддао бўларди.

К. РАҲМОНОВ,
Самарқанд райони.

● Партия ташкилотлари коммунистларнинг обрў-эътибори ва фаоллигини ошириш учун жонбозлик кўрсатишлари лозим.

А. РАҲМОНОВ,
Конимех райони.

● Умуман, партия ташкилоти ҳаётнинг ҳамма жабҳасига бир хил кўз билан қараши, айниқса, кўп болали оилаларга ғамхўрликни кучайтириши шарт.

А. МАМАРАСУЛОВ,
Хатирчи райони.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА АЙТАР ГАПИМИЗ

ЁРУҒ ДУНЁ ЛАЗЗАТИ

Табиат бизни, кўзи ожизларни ёруғ дунёни кўриш лаззатидан бебаҳра қилган. Бизнинг ягона овунчоғимиз — иш. Ишлаб, баҳоли қудрат меҳнат қилиб ўзимизни юпатамиз, овунамиз. Ўтмишда ота-боболаримиз ногиронларга ҳамдард бўлганлар. Уларга ғамхўрлик қилишни савоб деб билганлар. Ҳамиша кўмак-ёрдамларини дариғ тутмаганлар. Ҳозир ҳам шундай. Кўча-кўйда, жамоат жойларида ожизларга мадад бериш фазилатларини сезиб турибмиз.

Ҳақиқатан ҳам ногиронлар партия ва ҳукуматимиз ардоғида. Бунга жавобан улар қийинчиликларни мардона енгиб, касб-ҳунар ўрганадилар. Ҳозир республика жамияти аъзоларидан ҳар хил миллатдаги 7431 киши иш билан таъминланган. Улар бировларга оғирлигимиз тушмасин дея, ўз вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

Республика жамияти марказий правлениеси ўз аъзолари меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан кенг кўламли тадбирларни амалга ошириб келяпти. Жумладан, Андижон, Бухоро, Қўқон, Тошкент, Ғиждувон ва Жиззах шаҳарларида бундай кишиларнинг баракали меҳнат қилиши учун қулай шароитлар яратиб берилди. Бу жойларда уй-жойлар, маиший хизмат объектлари бевосита корхоналар территориясига жойлаштирилган. Натижада бу кўнгилдагидек шароит яратибгина қолмасдан, давлат ҳисобидан ортиқча харажатлар сарфлашга ҳам барҳам берди.

Бунда биз район, шаҳар, область ижроия комитетлари кўмагидан кенг баҳраманд бўлаётганимизни алоҳида таъкидлашимиз керак. Андижон область Совети маҳаллий бюджет ҳисобидан социал-маиший объектлар қуришга тегишли маблағлар ажратяпти. Шундай маблағ эвазига Андижон шаҳрида 50 квартирали уйнинг ярми, 280 ўринли болалар комбинати, 320 квадрат метр майдонга эга магазин барпо этилди. Ленинск шаҳрида эса 24 квартирали уй, 140 ўринли боқча тикланди. Бухоро, Наманган, Фарғона областлари ижроия комитетлари ҳам қатор хайрли ишлар қилдилар.

Лекин биздай кишиларга муносабат ҳамма жойда ҳам бирдек эмас. Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда аҳвол қониқарсиз. Ожизлар ишлаётган корхоналар эски биноларга жойлаштирилган. Тор ва ноқулайлигидан замонавий ускуналар билан жиҳозлашга шароит йўқ. Бу областлардаги корхоналарнинг филиалларидаги шароит янада оғир.

СССР халқ депутатлари съездида — кўзи ожизлар ишлайдиган корхоналар бир жойга, тез ва комплекс ҳолда қуриб берилиши керак — деб тўғри таъкидланди. Бу даъват бизга қувонч бахш этди. Республика жамияти правлениеси областларда яшаб, ишлаётган кўзи ожизлар турмушининг барча соҳаларини яхшилаш ишларини 2000 йилгача тугаллашни режалаштирди.

ИККИ ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ

Яқинда Фарғонада ўзига хос ярмарка очилди. Бу ерда сахий Ўзбекистон тупроғида етиштирилган ноз-неъматлар аҳолига сотилмоқда. Республикамиз партия ва ҳукуматининг қир-адирларда лахта ўрнига мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги қарори ўз самарасини бермоқда.

Ярмаркада Фарғона областидаги ихтисослашган ҳунар-техника билим юртлари ва мактаб ўқувчилари томонидан етиштирилган маҳсулотлар сотилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ходими касбини танлаган ёш йигит ва қизлар шаҳарликларга ўзлари етиштирган маҳсулотларини таклиф этишмоқда. Шуниси қувончлики, бу мева ва сабзавотларнинг сифати яхши. Нарх-навоси ҳам бозордагидан анча арзон.

Ўқувчилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан ҳар томонлама манфаатдор бўлмоқдалар. Олинган фойда ўқувчилар таълим оладиган муассасаларнинг моддий-техник ва социал-маиший базасини мустаҳкамлашга сарфланади. Демак, бундан шаҳарликлар ҳам, ўқувчилар ҳам манфаатдор бўлмоқдалар.

Суратда: Риштон районидаги 3-ихтисослашган ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиларидан А. Беқмуродов билан И. Тўрақулов шаҳарликларга хизмат кўрсатишяпти.

Ш. АЛИМОВ сурати. (ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

● **Нукус консерва заводи тўла қувват билан ишлай бошлади. Бу йил корхонада тузлама кулчақовоқ ва бодринглар, томат шарбати ҳамда қовун шиннниси, шунингдек ўз шарбати билан помидорлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Корхона Қорақалпоғистон шаҳар ва қишлоқларига беш миллион банка маҳсулот етказиб беради.**

● **Янгиқўрғон районидаги Калишо қишлоғида ўнча катта бўлмаган туғуруқхона очилди. Илгари бу бинога болалар боғчаси жойлашган эди. Энди у янги бинога кўчиб ўтди. Эски бино ремонт талаб қиларди. Оқсоқоллар ташаббуси билан қурилиш материаллари сотиб олиш учун минг сўмга яқин пул тўпланди. Бинони ҳашар йўли билан ремонт қилдилар.** (ЎзТАГ).

АЛДАРКЎСАНИНГ УСТОЗИ

Фельетон

Шу кунгача дунёнинг етти мўъжизаси бор, деб юрардик, мана, саккизинчиси... кооператив мўъжиза сўлди! Ҳаммаси учар кооператорларнинг «Алдаркўсанинг шогирди ким?» деб ном олган конкурсидан бошланди...

Кооператорларнинг томоша залида одам тирбанд. Залда байналмилал ёзувлар. Ижодий қайта ишланган шиорлар ақлни пешлайди: «Олган — ошайди, юлган — яшайди!», «Олинг-у, олдирманг!...». Президиумда госбанк, Узпромбанк, Узагропромбанк, Узсбербанк, Внешторгбанк вакиллари казо-казолар хазина калитини ўйнаб ўтиришибди. Улар ортида, анъанавий марказда антиқа ҳайкал: Алдаркўса эшакка чаппа минган Афандининг қулоғига нимандир шивирлаб турибди.

Конференсье ҳайкал композициясига изоҳ беради: «Алдаркўса зўрми, Афандими? Алдашда Алдаркўсага, кулдиришда Афандига тараф йўқ. Эмишки, Афанди сўрабди: «Алдаркўса, мени ҳам алдай оласанми? Бир алдаб кўр!». Шунда Алдаркўса пешонасига уриб, «Э, аттанг, алдар халтам уйда қолганди, кутиб тур, олиб келай» деганича, Афандини эшагига чаппа миндириб гум бўлган экан...».

Узоқ ўтмишда Алдаркўса ҳар ҳолда эшакка миндириб кетаркан, эндиги алдаркўсалар эшагингни олиб қочади! Алдаркўсага бўлган умумбашарий ихлос сабаблари бирмунча қоронғу бўлса-да, кўрик-конкурс ўтаётган зал кооп нуридан ақлгоя эди. Аллақандай сирли «Қуёш» кооперативи буни ўз зиммасига олган экан... Рангли электрон таблода рақамлар пайдо бўлади: «Ўзбекистон кооперативлари бир кварталда давлат банкидан 248.000000 сўмни ўмардилар. Йиллик марра — 1000.000.000!».

Фарғоналик коопчилар кўрик-конкурсни бошлаб берадилар: саҳнага кўтарилган «Зеркало» кооперативининг раиси Алдаркўса ҳайкали томонга эгилиб: «Пирим, ўзингиз қўлланг» дейди шивирлаб, «Фокусчилар номерни бошлаб юборишади. Қўлларида сирли кўзгу. Бир кўзгуда аҳолига 20 минг сўмлик хизмат кўрсатилгани аён бўлса, иккинчи кўзгуда эса элдан 89 минг сўм шилингани акс этиб турибди. Залда қичқириқ: «Қойил, Искандари Зулқарнайннинг кўзгусига офарин! Бундай кўзгуга Алдаркўса ҳам ҳавас қилса арзийди!».

Кўзбойлоғичлар патентини аллақачон қўлга киритиб улгурган Тошкент шаҳри кооплари майдонда: «Луч», «Омега», «Энергия», «АРК», «Универсаль» фокусчиларни яхши билган мухлислар «Алдаркўсанинг ворисларига шон-шарафлар!» деб ўринларидан туриб олқишлашади. Бироқ зўрдан зўр чиқса оёғи типирчилайди, дебдилар... Фарғона ва Тошкент кўзбойлоғичларининг қўли совринга тегиб турганда Самарқанд фокусчилари ўртага тушиб, ишнинг белига тепди. Майда-чуйда номерларга ўрин қолмагани аниқ эди. Самарқандлик кўз бойлоғичлар томошасидан кейин унда-бунда тухум ютиб, оғзидан қуш қилиб учириб юрган фокусчиларга ҳам нон қолмади ҳисоб! Пахтачи районидаги «Ярман» кооперативидаги ерманлар 193 минг сўмга сотиб олган бузоқларнинг ярмини бозордаёқ ютиб юборишган эди, қолганини томошабинларнинг кўзи ўнгида бутун ютиб кўрсатишди! Лекин ҳамсоялари бўлган «Хумор» кооперативининг раиси уларни догда қолдирди. Самарқанд кўригида баравар очко тўплаган хуморликлар республика кўригида ҳўкизни бутун ютишса бўладими? Тўя топилмаган эмиш. Хайрият-е! Конкурс баҳонасида бозордан олинган 82,5 минг сўмлик ҳўкиздан қанчаси ютилди, қанчаси сотилди, ҳужжат йўқ.

Лекин самарқандлик фокусчилар мукофотдан маҳрум этилгани залда ҳуштак-возликка сабаб бўлди. Шу ўринда жюри номардлик қилди! Кооперативчиларнинг қонунини кўринг, ютдингми, ютмини кўрсатма, эмиш! Самарқандда эса, афсуски, думи «мана ман» деб турарди-да!

Жюри ва томошабинлар ўртасида кескин норозилик туғилган мана шундай вазиятда Тошкент областининг фокусчиларига майдонга тушишга тўғри келди. Вазият чалкаш, хуштаквозлик етти чақирим жойга етган, жюри асабий! Лекин пойтахт областида куч ҳам кўп, ҳунар ҳам тиқилиб ётибди! Оғиренгил саноат дейсизми, қуюқсуюқ санъат дейсизми, аралаш-қуралаш, чеки йўқ. «Металлист», «Гелио», «Коммунал», «Наш дом», «Каскад», «Эврика»... Рўйхатнинг ўзи бир неча том! Чирчиқдаги биргина «Видео» кооперативининг «ҳунари»ни кўринг: маданий хизматга ажратилган 68 минг сўмга учта оғир юкли «КРАЗ» сотиб олиб, пешонасига «Видео» деган ўқловдай тамга босишди... Кузовга эса Ўзбекистон ноз-неъматларидан юклаб, Сибирь томонга самолёт билан пойга ўйнаб, Калинин районидаги «Тўқувчи», Тошкент районидаги «Лаззат», Оққўрғон районидаги «Гуняш» кооп-даги учарлар ҳам «Видео»нинг гоҳ олдида, гоҳ чангида от суришмоқда. Оржоникидзе районида кооплар ғалабасини нишонлаб турадиган «Торжество» кооперативи очилди. Ҳозирча давлатни 205 миннга туширган бу кооперативнинг ҳам орзулари мўл: миллионни урмоқчи! «Миллионни» орзу қилмаган кооператив—кооперативми!

Миллионерларга навбат! Саҳнада Сирдарё кооперативлари! Уларга бахт қуши қўнганига шубҳа йўқ, область сўнгги йилларда ўзига хос кооператив йўлдан бормоқда. Қадимий Мавароуннаҳрнинг қоқ ярмини эгаллаган бу чексиз вилоятда қанча ишлар чаппасига кетса-кетгандир, лекин кооперативларнинг иши ўнгидан келиб турибди. Майдон кенг, ҳокимият катта! Қувганга ҳам, қочганга ҳам йўл кўп. Йўл кўпми, демак ҳунар кўп! «Лой» кўп! Фақат «лой»ни кўзлаган савдо-харид кооплари Сирдарё областида юздан ошиб кетди. Маҳсулот кўплигидан эмас, албатта, эгасизликдан! Бозорнинг эгаси йўқ, даланинг эгаси йўқ. Ҳамманинг бир қўли кооператив томонга чўзилган. Пахтакор районида 17 та, Янгиерда — 10 та, Ильичда 7 та савдо-харид кооплари куппа-кундузи халқнинг ризқини талашга ўтди. Жюрининг сирдарёликларни мукофотдан маҳрум этиш ва ўйиндан четлатиш ҳақидаги қарори зал томонидан маъқуллаб қарши олинди. Кўпларнинг сабр косаси тўлиб турган экан! Ажабо, қонундаги қароқчилар қандай пайдо бўлди? Ошкоралик ва демократия замонида бунга қандай йўл қўйилади?

Маълумки, ҳар бир кооператив ўз «устав»и билан туғилади. «Устав» унинг қасамёди. Савдо-харид кооперативлари ўз «Устав»идаги қасамёдига кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, маҳсулот мўл-кўллигига хизмат қилмоғи керак. Аслидачи? Муқаддас ваздалар битилган «Устав» кооператив очилган куниёқ абадий ёпилади. Унинг ўрнига ҳоригган-чарчаган, пахтасига етса, даласига етолмаган деҳқоннинг бошини айлантириш бошланади. Мана, Алдаркўсанинг тушига кирмаган ҳунарлар қаёқда! Тошкент областидаги «Оққўрғон» кооперативчилари Алдаркўса мукофотига сазовор бўлсалар ажаб эмас. Далани қўйиб, темир йўл изига ин қурган бу кооператив қўлга илинганини поездга уриб турибди. Аҳолидан арзон-гаровга 80 минг сўмга кўтара олинган супурги нақ бир вагоннинг белини майиштирди, 100 минг ройдаси эса — кооперативдаги учарларни! Шу кунда Оққўрғон атрофида сабзи тополмайсиз, кооператив қўлга илинганини пензалик дўстларига жўнатиб турибди, кооплар ўртасида шартнома бор эмиш! Хўш, маҳаллий аҳоли билан ҳам «шартнома» тузадиган, ҳисоблашадиган борми ўзи?! Уни ким ўйлайди? Бугун сабзини, эртага орқаворотдан яна нимани сотамиз?

Қувасойда ҳунар кўрсатган савдо-харид кооперативининг номини кўринг, «Урожай»! Лекин кимнинг боғидаги ҳосил? Райижроком тасдиқлаган «Устав» бўйича, кооператив кўчат етиштиришга «ихтисослашган». Бу йил эса ердан... 30 минг яшчик «ҳосил» олди. Асли да бу савдогарчиликнинг ўзгинаси: Фарғона плодовошчторгидан арзон-гаровга яшчик олиб, колхоз-совхозларга 22 минг сўм «шапкаси» билан пуллади Ажабо, давлатнинг икки идораси ўртасида ҳам «шапка» айланмаса бир-бировини топишолмайди-я? «Урожай»чилар келгуси йил ҳисобидан 100 минг яшчикка буюртма олиб, «уруг» тайёрлашга киришди. Кейинги йили ароқ билан коньякнинг уруғини топишга сўз беришибди! Ажабланадиган жойи йўқ, тахта-яшчикнинг уруғи топилганда, нега энди сувдан бино бўладиган ароқ-коньякнинг уруғи топилмас экан?! Топилади! Шоввозлар омон бўлсин! Изланиш — иштиёқ сўнмасин! Қоларверса, қувликлар ишни бежиз яшчикдан бошлашган эмас, ароқ-коньяк деҳқончилик бўлиб қолса, яшчик етказиб бўладими? Қувада: қандни эксаоқ ароқ бўларкан, деган гаплар юрипти. Лекин қандниг уруғи қани?! «Урожай»га барака!

Андижонлик Жуков деган деҳқон отахонимиз бира тўла... пулнинг уруғини топиб қўя қолди! Отахон кимсан, «Труд» кооперативининг раиси эди, меҳнати оғир бўлмаса ҳам, номи эзиб турарди. «Устав»га кўра яйловларда қудуқ қазиб, Комсомолобод боғрини боғ-роғ қилмоқчи эдилар. Бирдан оёқлари остидан пул қудуғи чиқиб қолса бўладими! Қазиб кетдилар, қазиб кетдилар! 120 мингни чўнтакка урганларида ер лопиллаб, ўзлари қазиган қудуққа шўнғисалар бўладими?!

Лекин қанчалик қурбон берилмасин, энг юқори табақаларда ҳам деҳқон меҳнатига интилиш беқиёс. Госкомводхоздек мўътабар министрлик тармоғидаги ҳисоблаш маркази бош инженери Ш. Ширинский, бўлим мудирлари А. Дробкин, В. Иванченко, З. Оронюк ва В. Ким ўртоқлар экмай-тикмай туриб, пулнинг ҳисобига етмай қолишди. Мана, ҳозирги замонавий деҳқон қандай бўлиши керак, уларга ернинг ҳам кераги йўқ. Ер-сув тобора танқис бўлиб бораётган бизнинг замонда бу кашфиёт оламшумул аҳамият касб этади. Фақат жузъий бир камчилик сезилади, кооперативга ном танлашда шошма-шошарликка йўл қўйилган. Госкомводхоздагилар «Таис» деб ном қўйишига қарамай, одамлар «Даюс» деб қиқирлашади!

Ном танлашда Қарши шаҳар комсомол комитетидаги ўртоқларнинг топқирлигига тан бериш керак: «Голубая мечта!». Бир ишни дўндириб улгурмаган бу кооператив «Энг гўзал ном учун» конкурс мукофотига сазовор бўлиб турибди. Улар билан ёнма-ён «Шўртангаз» қошидаги коопни кўринг. «Заготовитель» эмиш! Э, нимани тайёрлайсан, ўзимиз излаб топмаймиз-у! Борингки, бунинг уддасидан чиққанда ҳам «тайёрга-айёрлик» кимга керак? Соддагина қилиб «Хизмат-беминнат» дейилса бўлмайдими? Тошкентдай азим шаҳарда шу номдаги фирма-магазин ўн йиллаб бир инсонга қиё боқмай давру-даврон суриб келди. Ана сеҳрли номнинг қудрати!

Бироқ бу истакларимиз «Заготовитель»даги ўртоқлар маҳоратини зинҳор инкор этмайди. Чунончи, кооп раиси Ҳаитов биргина «Ер ёнғоқ» операциясидан 50.419 сўмни «чап чўнтагим—зап чўнтак» деб киссага урди. «Фотопрокатразнобит» кооперативининг раиси М. Тўраевнинг кассадан санамай юлган пули нақд 50 минг сўм чиқди. Икки олғир шогирд энди «Ал-мактаботи Алдаркўса»нинг Қарши филиалига бош мутахассис қилиб рўйхатга олиндилар. Муборак бўлсин! Исми-жисмига мутаносибликда ҳаммаёқ Ульянов районидаги «Лочин» кооперативидан ўтаверсин! Усмон Юсупов районидаги «Золотой колос», Қарши шаҳридаги «Дизайн», «Сервиз», «Ширин», «Роҳат», «Грильбар», «Восточний» кооперативлари эса, аксинча исми-жисмига номутаносибликка номзод деб топилдилар. Арзийди!

Мусобақа тўлқини бироз сўнган пайтда залда гулдурос қарсак янграйди: Алдаркўсанинг амалий ворислари — республика Маданият министрлигининг «санъаткор»лари саҳнада. Фақат Тошкент шаҳри ва областида министрликнинг 20 та концерт бригадаси тутуруқуларга тараф йўқ экан! «Агротехсервиз»даги биргина «Акт»нинг баҳосини кўринг, бир қоп пул бўлади. 26 килограмм мўмиё доривор ўсимликлар илдизини парваришлашга ишлатилар эмиш! Тилла суви сепилган қандай гиёҳ экан? Саҳнада ўз кароматларидан ўзлари завқланган дорифурушлар «тилла нима-ю мўмиё нима, иккови — бир нарх» деб қиҳ-қиҳ кулишади...

Республика Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетида нима кўп —тармоқ кўп, кооператив кўп. «Водстрой» бирлашмасининг «Средазспецстрой» трести қошидаги жажжигина кооператив «манаман» деган арбобларни йўлдан оздирди. Ўз номи билан «Спецстроевец» деб аталган кооп раҳбарлари Узагропром қанотидаги бир группа номдор шахслар билан тил топишиб, Ўзбекистон яйловларида қудуқ қазиш ишларини зиммага олдилар... Икки пулқувар ташкилот бири буюртмачи, иккинчиси бажарувчи бўлиб саҳнада антиқа роль ўйнай бошладилар. Ё, алҳазар, нақ саҳнада агропромнинг пул булоғи қайнаб чиқса бўладими! Кооп раиси Арутюнов булоқ бошида тўйган қўзичоқдай хотиржам турарди. Шериклари: «Олсангчи, пулдан!» деб имлашса, у «кўяверинг» деганича, ўрнидан ҳеч ҳам қимирлаб ўтирмаётгандек эди. Ҳеч ким ҳеч нарсадан ҳадиксирам